7 0297

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

НАВОИЙ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН БИР ГУРУҲ ИШЧИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик ҳалол меҳнати, юксак ишлаб чиқариш кўрсаткичларига эришгани, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлагани, шунингдек, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун мукофотлансин:

«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

Кузиванов Анатолий Федорович — Марказий руда бошқармаси 2-гидрометаллургия заводи тайёр маҳсулотлар цехи бошлиғи.

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

Анофричук Юрий Григорьевич — Марказий руда бошқармаси «Мурунтов» кони экскаватори экипажи бригадири

Прохоренко Геннадий Алексеевич — «Қизилқумнодирметаллолтин» концерни бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари — марказий руда бошқармаси директори.

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

Алёхин Владимир Александрович — Жанубий руда бошқармаси мармар қазиб чиқариш ва қайта ишлаш кони тош кесиш машинасининг машинисти

Бабахов Марс Омонжўлович — Марказий руда бошқармаси электр тармоғи ва подстанциялар цехи электр монтёри

Зайцев Александр Степанович — Шимолий руда бошқармаси геотехнологик кони геотехнология қудуқларини қазиш ва таъмирлаш бўйича фойдаланиш участкасидаги бурғулаш қурилмаси машинисти

Рибковский Владимир Дмитриевич — Марказий руда бошқармаси 2-гидрометаллургия заводи ишлаб чиқариш бўйича бош муҳандисининг ўринбосари.

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИЛСИН:

Беленко Александр Павлович — Марказий руда бошқармаси бош геологи

Морозов Михаил Петрович — Шимолий руда бошқармаси гидрометаллургия комплекси бош муҳандисининг ўринбосари

Подоспеев Станислав Андреевич — Вазирлар Маҳкамаси машинасозлик, кимё ва металлургия бўлими мудирининг ўринбосари

Ситенков Виктор Николаевич — Марказий руда бошқармаси бош муҳандиси

Шишов Виктор Васильевич — «Навоий машинасозлик заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси қозонхона-пайвандлаш цехи таъмирлаш слесари.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН

Аблаев Искандар Шевкетович — Марказий руда бошқармаси автотранспорт бошқармаси таъмирлаш цехи бошлиғи

Баутина Валентина Николаевна — марказий руда бошқармаси темирйўл транспорти бошқармасининг диспетчери

Бозоров Улуғбек Муҳаммадович — Марказий руда бошқармаси 2-гидрометаллургия заводи марказий завод лабораторияси технология гуруҳининг раҳбари

Диранов Николай Васильевич — Марказий руда бошқармаси автотранспорт бошқармаси тоғ жинсларини ташиш автомобили ҳайдовчиси

Ершибоев Қимбатбек Жўрабекович — Марказий руда бошқармаси «Мурунтов» кони бурғи қурилмаси машинисти

Ксенич Владимир Иванович — Марказий руда бошқармаси саноат иссиқлик-сув таъминоти ва канализация цехи «Зарафшон» майдончаси участка бошлиғи

Мўминов Валерий Равшанович — Навоий конметаллургия комбинати директорининг шаҳарлардан фойдаланиш ва маиший хизмат бўйича ўринбосари

Титов Петр Васильевич — Марказий руда бошқармаси ташқи сув таъминоти бирлашган энергия хизмати технология ускуналарини таъмирлаш бўйича устаси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 февраль.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 25 февраль, сешанба № 24 (22.109).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 24 февраль куни Марказий Осиё давлатлари мудофаа вазирларининг учрашувида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Россия Федерацияси мудофаа вазири Игорь Родионовни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкамланиб бораётганини қайд этар экан, Россия мудофаа вазирининг ташрифи ушбу алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади. Ўзаро ҳамкорлик алоқаларини равнақ топтириш бугунги кунда ҳар икки томон манфаатларига мосдир, деди Ўзбекистон Президенти.

СУРАТДА: қабул пайти. (ЎзА) олган сурат.

Суҳбат чоғида ҳамкорлик муносабатлари, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш, кўшни Тожикистондаги сўнгги воқеалар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчиси Владимир Норов, Республика мудофаа вазири Рустам Аҳмедов иштирок этди.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 25 февралдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: */

1 Австралия доллари	44,35
1 Австрия шиллинги	4,83
1 Англия фунт стерлинги	92,75
10 Бельгия франки	16,51
1 Голландия гульдени	30,31
10 Греция драхмаси	2,17
1 Дания кронаси	8,93
1 БАА дирхами	15,55
1 АҚШ доллари	57,11
1 Миср фунти	16,86
1 Ирландия фунти	90,01
1 Исландия кронаси	0,81
10 Испания песети	4,03
100 Италия лираси	3,43
1 Канада доллари	41,88
1 Хитой юани	6,89
1 Қувайт динори	188,23
100 Ливан фунти	3,70
1 Малайзия ringгити	23,06
1 Германия маркаси	34,06
1 Норвегия кронаси	8,52
1 Польша злотийси	18,76
10 Португалия эскудоси	3,37
1 Сингапур доллари	40,13
1000 Туркия лираси	0,47
1 Финляндия маркаси	11,40
1 Франция франки	10,09
1 Швеция кронаси	7,75
1 Швейцария франки	39,09
1 ЭКЮ	65,71
10 Жанубий Корея вони	0,66
10 Япония иенаси	4,65
1000 Россия рубли	10,08
1 Украина гривнаси	32,36
1000 Беларусь рубли	2,53
1 Эстония кронаси	4,51
1 Латвия лати	98,30
1 Литва лити	14,28
1 Қозоғистон тенгеси	0,76
1 Қирғизистон соми	3,34

*/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Юрт ишқида ёнганда

АРТУР «ОЛТИН БЕЛБОҒ» СОҲИБИ

Ватанимиз бўйлаб яна хушхабар тарқалди. Минглаб мухлислар номини ҳурмат билан тилга олувчи моҳир боксчи Артур Григорьян ажойиб ғалабага эришди. Маълумки профессионал бу боксчи 61 килограмм вазнли чарм қўлқоп усталари орасида қатор йиллардан бери назарга тушиб турибди. Унинг бугунгача икки маротаба «Олтин белбоғ» соврини учун курашиб зафар қучганини кўпчилик яхши билади. Қизиғи шундаки, Артур учинчи ҳал қилувчи жангда мувафаққият қозонса, ана шу белбоғни мутлақ ўзиники қилиб олишга имкон топарди.

Артур бу сафар инглиз боксчиси Майкл Айрисга қарши рингга чиқиши лозим эди. Афсуски ғолибликка даъвогар ҳисобланган бу боксчи турли сабабларга кўра Артурга рўпара келолмади. Унинг ўрнига аргентиналик Раул Бальди рингга кўтарилди. Мухлисларга кўпам таниш бўлмаган бу боксчининг имкониятлари маълум эмасди. Зеро жанг ҳалол ва муросасиз тус олди. Курашнинг 11-раундига борганда секундант ҳакам Раулнинг баҳсни давом эттиришга ҳоли йўқлигини маълум қилди. Шу тариқа Артурнинг қўли ғолибона кўтарилди. Боксчимиз шарафига Давлатимиз байроғи кўтарилиб, Мадҳиямиз таралди. «Олтин белбоғ»ни мутлақ қўлга киритган Артур Григорьян Тошкентга зафар билан қайтадиган бўлди.

Мирзо АНВАР.

Миллат ва тил

ҚАЙСИ ТИЛНИ ЎРГАНГАН МАЪҚУЛ?

Маълумки, инсоният тил ўрганиш масаласига доимо қизиқиш билан қараб келган. Зеро, тил орқали кишилар бир-бирларини тушунганлар, ўзаро муносабатлар ўрнатганлар. Бугун мустақиллик туфайли ўзбек халқини жаҳон таниётган чоғда биз учун бу масала янгича маъно касб этмоқда. Энди ҳур тафаккур ила қайси тилни устувор тарзда ўрганишни ўзимиз ҳал қиляпмиз.

Бироқ бу соҳада, чамаси, айрим аниқлик киритиб олинадиган масалалар ҳам бор. Мен бу ерда қайси чет тилини афзал билган ҳолда ўрганишни назарда тутяпман. Гап шундаки, илгари собиқ тузум даврида рус тили «иккинчи она тили» ҳисобланиб, мактабларимизда инглиз, немис ёки француз тилини ўргатишарди. Шаҳарда нисбатан яхши бўлса-да, қишлоқларда тил ўрганиш бутунлай бунинг акси эди. Ўзимиз ҳам гувоҳмиз: «гутен таг», «о фидерзе», «гуд монинг», «хавдуюду» сингари бешолти иборани билишдан нарига ўтмасдик. Очиғи, чет тилини ўрганишнинг аҳволи қардош республикаларда ачинарли бўлиб, асосий урғу «иккинчи она тили»га бериларди. Билсангиз, у ёки бу хорижий юрт, масалан Япония ёки Хитой ва бошқа айрим социалистик давлатлардан келган меҳмонлар ёнида «Марказ»дан келган алоҳида таржимонлар бўларди. Қисқаси, тил ўрганиш бобида «тенг ҳуқуқли» қардош республикалар «катта оға» измидан чиқиши қийин эди.

Тўғри, тил ўрганиш муҳимлиги ўша пайтларда ҳам таъкидланган. Бироқ бу таъкид номигагина бўлиб, асосан совет халқининг «воситаи, робитаи оламиёни» — рус тилига эътибор жуда кучли бўлган. Эсимда, 70-йиллар ўрталарида биз мактабда ўқиганимизда аксарият ҳолларда чет тили ўрнига ҳам рус тили ўқитишган. Нега бундай деб сўрганимизда ўзи русчада чаласавод дарс берган муаллим: «Қишлоқдан нари чиқсаларинг Тошкентгача борасизлар, нима ёки тил ўрганиб Америкага бормоқчимисанлар» деб масхараомуз кулган.

Бугунги кунимизга бир назар ташлайлик: ҳозир мактаб ёки олий ўқув юртларида қайси чет тилларини ўргатишяпти? Бу соҳада ўқитувчи кадрлар етарлими? Уларнинг билим доираси қандай? Тўғрисини айтиш керак, қишлоқ мактабларига келсак, бу борадаги аҳволнинг ўта ачинарли эканлигига гувоҳ бўламиз. Чет тили бўйича ўқитувчилар етишмайди. Борлари ҳам бугунги кун талабига жавоб беролмайди. Бунинг устига чет тили бўйича дарсликлар кам. Ўқитувчилар эски тузум давридан қолган китоблардан фойдаланишга мажбур.

Ўтган йили олий ўқув юртларига тест синовлари бўлиб ўтгандан кейин бир ҳамкишлоғим «дарди»ни тўкиб солди: ўғли ҳуқуқшунослик институтига айнан чет тилидан кам балл тўплагани учун киролмабди. «Ўзи мактабда чет тили номига ўқитилгандан кейин шу бўларкан-да, — койинди у. — Келаси йили «репетитор» ёллашга тўғри келади чоғи». Бундай мисолларни эндиликда кўплаб учратиш мумкин. Чунки, олий таълим тизимига тест синовлари жорий этилгандан сўнг ҳақиқий билим эгаси талабаликка қабул қилинадиган бўлди.

Билсангиз, бу ёки бу чет тилини ўрганиш барчамиз учун ҳам фойдадан ҳоли бўлмайди. Нега? Биринчидан, тил-сўзлашув воситаси. Демак, қанча кўп тилни билсангиз, шунча кўп халқ вакили билан мулоқот олиб бора оласиз. Иккинчидан, сиз ўша халқнинг тилини билганингиз боис ундан бир поғона баландда эканлигингизни исботлайсиз.

Шу ўринда 80-йилларда Москва Давлат университетида ўқиб юрган йилларим эсга тушади. Бу ердаги журналистика факультетида ўн беш республикадан бир нафардан вакил бўлиб, «миллий кадр» сифатида таълим олардик. Гап шундаки, тил билишнинг аҳамиятини ўша ерда «ҳис» қилганман. Биз билан бирга ўқиган қардош республика вакилларидан бири ўзи русчани бийрон гапирса-да, «он» билан «она»нинг фарқига бормасди. Бир куни уч юз кишилик аудиторияда бу дўстимиздан Евгений Прохоров деган йирик филолог домла саволга жавоб сўраб қолди. У шошилиб, аёлларга нисбатан ҳам «он» деган сўзни ишлатиб юборди. Асосий кўпчилиги ўз она тилида гаплашадиган залда (биз бор-йўғи 15 нафар қардош республика вакиллари эдик) гурр кулги кўтарилди. Шунда қарангки, профессор домламиз: «Бунинг ҳеч кулгулик жойи йўқ. Билиб қўйинглар, ҳар қандай халқ вакили агарки, бошқа миллат тилини озми-кўпми яхши билар экан, демак у шу миллат вакилидан бир поғона юқорида туради. Чунки сиз унинг тилини билмасангиз-да, у сиз билан она тилингизда сўзлаша олади», деган гапни айтди. Ўшанда бизлар — қардош республика вакилларининг кўнгли тоғдек кўтарилганини билсангиз эди.

Энди қайси тилни ўрганиш масаласига келсак, кўпчилик инглиз тили дейди. Бу — бир ҳисобдан тўғри. Чунки, инглиз тили халқаро сўзлашувда бот-бот қўлланилади. Хўш, бошқа чет тиллар-чи? Уларни чеклаб қўйиш керакми? Албатта, йўқ. Немис, француз, испан, рус, хитой, араб, итальян, япон, корейс, ҳинд, урду, форс... Эҳ-ҳе, ўрганаман деганга қанча тил бор, ахир. Ҳозир масалан, америкаликлар илгаригидагидек француз ёки немис тилини эмас, балки испан, араб ва хитой тилларини ўрганишга кўпроқ қизиқишар экан. Очиғи, оддий америкалик фуқаронинг юртимизга келиб тил ўрганаётганини ва телевизорда бийрон-бийрон бизнинг она тилимизда сўзлаётганини эшитиб, «қара, ўзбекча зўр гапираяпти-ку» деймиз, қувониб. Хуллас, фикримча, халқ ва олий таълим тизимида чет тилларни ўрганишнинг узоқ муддатга мўлжалланган дастурий тадбирлари ишлаб чиқилмоғи керак. Айниқса, чет тиллари бўйича ўқитувчи кадрлар тайёрлашни кўпайтириш, хорижий тилда ўқитиш жараёнларини замон руҳига мос қилиб ўзгартириш зарур. Токи, фарзандларимиз мактаб ёшидан бошлаб ўзлари хоҳлаган у ёки бу чет тилини пухта ўргана билишсин. Шундагина эртага ёшларимиз жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистон деган давлатимизнинг довруғини дунёга достон қила оладилар.

Аслиддин БОЛИЕВ.

Далил ва таҳлил

УЧНИ ТЎҚҚИЗ ҚИЛАЁТГАНЛАР

Наманганлик соҳибкорлар ердан оқилона фойдаланиш йўлида изланишяпти. Ўтмишда қиш чилласида мардикорга ўткинчилардан бири сўз қотибди:

— Эҳ, нодон, тўққизни учга урсанг бўлмасдими?!

Мардикор ишдан бир зум тўхтаб:

— Урдим тақсир, лекин ўттиз икки қўймадида, — дебди.

Ўткинчининг ҳамроҳлари сал ўтиб, ундан савол-жавоблари маънosини сўрашибди.

— Ақлли йигит экан, — дебди тан берганини яширмай у. — Тўққиз ой ёз йиғиб-терганингни наҳот уч ой қишга етказолмасанг, дедим таъналаб. У бўлса, «бола-чақа кўп, еб битирдик-да» деб жавоб қайтарди.

Бу бир ривоят. Лекин Наманган томонларда уч ой қишда тадбиркорлик билан ишлаб, мўл-кўл маҳсулот, мўмай даромад оладиганлар ҳам кўп. Уйчи туманидаги «Соҳибкор» жамоа хўжалигида У. Сайидвалиев деган тадбиркор бригадир бор. Ўтган йили у бошлиқ бригада таваккал 40 сотих жойга 15 февралда плёнка остига картошка экдилар. Уруғ 10 мартда униб чиқди, май бошида ҳосил берди. Бу ҳам ҳолва. Шу пайкалнинг бўш эгатларига карам кўчатлари ўтказишди! Вақтдан ютиб, қилинган самарали меҳнат натижасида 121 минг сўм картошкадан даромад олишди. Эртанги карамнинг ҳар бир килосини 25-30 сўмдан пуллашди.

Янгиқўрғон туманидаги Ж. Охунов номли жамоа хўжалигида ҳозирдаёқ иссиқхоналарда 6 миллион туп турли кўчатлар экишга тахт қилиб қўйилди. Шу йилнинг ўзида хўжаликда бир гектар ерда карам, 10 гектар ерда эртаги картошка, бир гектарда бодринг, бўлғор қалампири, 2 гектарда турли кўкатлар плёнка остида етиштирилади...

Яқинда вилоятдаги барча раислар, қишлоқ хўжалик ташкилотларининг мутахассислари бу тажриба билан танишиб қайтишди. Умуман, вилоятда ердан оқилона фойдаланиш учун шу кунларда «Астара», «Романи», «Марфуна», «Аякс» навли синовдан ўтган картошка турлари плёнка остида қизғин экилмоқда. Гапнинг лўндаси, май ойидаёқ шу ерларга бемалол иккинчи экинни экиш мумкин!

Маҳмуджон ПАРПИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муҳаррир минбари

ШАРҚОНА МУНОСАБАТЛАР МАДАНИЯТИ

Инсон энг аввало ўз-ўзи билан муносабатга киришади. Ўз-ўзи билан ички муносабатларда мувозанат ўрнатолган инсон оила, жамият миқёсидаги, дунё қамровидаги муносабатларида ҳам тартиб ўрната олади. Жамият барқарорлигини муносабатларнинг мувозанати таъминлайди. Андак таҳрир ила, жамиятнинг маданият даражасини муносабатларнинг маданият даражаси белгилайди, дейиш мумкиндир, эҳтимол. Чунки шарқона муносабатлардаги маданият ҳатто подшоларнинг ўзаро урушларига барҳам берган. Душманларни дўст қилган. Қўллардан қуролларни туширган. Қиличларни қинга солган. Диёрларни тараққиёт сари етаклаган. Буюк Ипак йўлларини тузган. Карвонларнинг йўлларини очиқ қилган. Сабаби, муносабатларда маданият бўлса, у хоҳ икки киши, хоҳ ўлкаларо, хоҳ мамлакат ичкарисида бўлсин, сиёсатга айланган. Сиёсат даражасига кўтарилган. Давлатлар ривожланишининг якка-ю, ягона тўғри йўли одил сиёсат даражасидаги муносабатлар равонлигидан иборатдир, десак янглишмаймиз.

Муносабатлар одамларни бир-биридан ажратмаслиги, бир-бирига қарши қилиб қўймаслиги керак! Аксинча, муносабатлар одамларни бирлаштириши, уюштириши, топилмаётган йўлларни топишга ёрдам бериши лозим. Фақат маданий муносабатларгина шундай қудратга эга. Фақат маданий муносабатларгина ижтимоий маъно касб этади. Фақат маданий муносабатларгина тараққиёт учун хизмат қилади. Инсонни, эл-элатларни, гуруҳ ва давлатларни, мамлакат ва қитъаларни бирлаштиради, тўғри изга, ҳақ йўлга солади, маърифий тамаддунни таъминлайди —маданий муносабатлар.

Ҳар қандай алоқаларнинг динамикасини ҳамкор муносабатларнинг тадрижийлиги таъминлайди. Бу кун ўзаро якка шахслар ҳам, ўзаро, идора, ташкилот, корхоналар ҳам маърифий, иқтисодий, ижтимоий алоқаларнинг икки ёқлама бўлишини, муносабат шартлари ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишини яхши кўради. Зеро, халқимизда, бор товоғим, кел товоғим, боролмасанг, келолмасанг, ўртамизда син товоғим, деган нақл бор. Содда қилиб айтганда, шу «товоқ» борса-ю, келолмаса ёки аксинча келса-ю, боролмаса муносабат узилади. Муносабатларда ҳар икки томоннинг ҳам манфаатлари баравар ва тенг ифодаланиши зарур. Ахир, муносабат деган тушунча бир-бирига интилаётган манфаатларни, алоқаларни ифодаламайдими?

Шахслараро манфаатли алоқаларнинг узилиши ўртадан меҳр-оқибатнинг кўтарилишига, корхоналараро шундай муносабатлар ришталарининг узилиши умуман барча соҳалардаги халқ хўжалиги ва ишлаб чиқариш механизмининг бир меъёрдаги иши бузилишига олиб келади. Ислоҳотларнинг изчиллигига путур етказади. Ижтимоий ҳаётимизда кечаётган янгиланишлар ўсишининг гарови шахс, жамият, давлат, ишлаб чиқариш, ҳатто талаб-эҳтиёжларимизнинг муносабатларидаги уйғунликдир. Зотан, биз мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, чекланган имкониятларимиз билан чекланмаган эҳтиёжларимизни қондиришни, имкониятларимиз ва эҳтиёжларимизнинг ўзаро тенг муносабатларини ўрнатишни, улардан бирининг иккинчисидан устун келишига йўл қўймаслик малакасини эгаллашимиз зарур.

Бугунги кунимиз муносабатларида, назаримда, шарқона маданият етишмайди. Инсоннинг инсонга, оиланинг оилага, ишчининг ишчига, корхонанинг корхонага муносабатларида шарқона маданият, шарт-шартномага, замонавий тилда айтганда, контрактцияга риоя этиш маданиятимиз тўкис эмаста ўхшайди.

Шарқда ҳамиша тенг асосли алоқалар ўрнатилган. Шу билан бирга, ҳисобли дўст айрилмас, деган мақолни ҳам ўзимизнинг боболаримиз айтганлар. Мақол шу кунимиз талабларига қанчалар мос тушади! Энди ўйлаб кўринг, бугунги кунда бизда қанчадан-қанча корхоналар, хўжаликлар бир-бирлари билан бўладиган ҳисоб-китобни ўз вақтида амалга оширмайди. Тараққиётимиз ғилдирагини ортга тортаётганлар ҳам ўшалар эмасми? Ўшалар эмасми халқимиз кўнглини меҳнатдан совутаётган? Шахсий, бир ёқлама манфаатлари йўлида бутун-бутун корхоналарни, хўжаликларни барбод қилаётган, ислоҳотларнинг туб моҳиятини тушунмасдан, ҳамон эски қўшиқни айтиб юрганлар ҳам ўшалар эмасми?

Инсоний феълимиздаги, ижтимоий муносабатларимиздаги бу нуқсон, боқимандалик каби, совет тузумидан қолган сарқитдир. Совет тузуми минглаб йиллар давомида шаклланган шарқона муносабатларимиз маданиятига қарши бор имкони билан курашди. Совет тузуми Шарқ маданияти, шарқона муносабатларда, эҳтимол, ўзининг энг биринчи душманини кўрган бўлса, ажаб эмас.

Президент Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида билдирган мулоҳазаларини ўрганар эканман, уларда шарқона муносабатлар маданиятини соғиниш руҳи устун эканини англадим. Уларда мулк-мулкдор муносабатлари, деҳқон-хўжалик-давлат муносабатлари, ўқувчи-ўқитувчи — мактаб алоқалари, журналист-матбуот-омма алоқасини совет тузуми асоратидан, яъни шу тузумнинг ҳосили бўлган боқимандалик, ўзибўларчилик, лоқайдлик руҳидан халос этиш истагини кўрдим. Тўғрисини айтганда, бу мулоҳазаларда нафақат шундай хоҳишнинг ўзи, тараққиётимизга тўсиқ ва ғов бўлиб турган шу сингари иллатлардан халос бўлишнинг йўллари ҳам кўрсатилган. Айниқса, мустақил давлатимиз кишисининг қалби, шу қалбни ойдин этадиган маънавият манзили ва унга келадиган маърифат йўли хусусида очиқ ва ошкора, аниқ ва равшан мулоҳазалар билдирилган.

Шарқона муносабатларнинг моҳиятини нима ташкил этади ўзи? Нега бугунги кунда унга эҳтиёж сезяпмиз? Назаримда, ҳалоллик, поклик, савоб, тўғрилик каби азалий ва абадий қадриятлар шарқона муносабатларнинг асосини ташкил қилади. Шарқона муносабатларнинг маданияти бировлар ҳақига хиёнат қилмаслик, ўзаро расмий ва норасмий келишув, шарт ва шартномаларни бузмаслик, ҳамкор шериклларни алдамаслик, фуқаронинг меҳнатини қадрлаш каби фазилатлар билан ўлчанади. Юртбошимиз ижтимоий ҳаётимизнинг барча жабҳаларида кечаётган туб ислоҳотлар шарқона муносабатлар маданияти билан бойисагина тараққиёт гаровига айланади, деган фикрни илгари суради. Зеро, юқорида аттанимиздек, жамиятнинг маданиятлилик даражасини кўп ва ҳар хил тармоқли муносабатларнинг маданияти белгилайди.

Қариялар ва болалар оч қолаётган шаҳар

Александр ВАСИНСКИЙ

Мактаб болалари оч қолиб суриниб юрган шаҳар. Қариялар ахлатхоналарда изгиб юриб, онда-сонда егулик, бирор нарса топиб, тирикчилик қилаётган маскан. Чунки бу ердагиларнинг барчаси улар қатори қашшоқликда яшамоқдалар.

Пенсия ва ёрдам пулларининг тўланмаслиги кўп ойларга чўзилиб кетганлиги туфайли Южа шаҳридаги юзлаб одамлар очлик гирдобида қолишди. Янги ижтимоий «ювинди пақири» ҳақида ҳам гапириш мумкин.

Южада сиз ҳеч қачон ахлатхона контейнерларида моғорлаб кетган нонни ҳам, сасиб қолган чўчқа гўштини ҳам кўрмайсиз. У ерда асосан бўшаган консерва банкалари, узун-узун қилиб артилган картошка пўчоқлари (улар шунчалик юпқа артилганки, картошка фақат уруш пайтларидагина шундай арчилганди), лавлаги пўчоқлари ва Москва ҳукуматининг еб бўлмайдиган ваъдалари босилган, ғижимланган газеталарни кўриш мумкин. Гарчи, овоз берган бўлсалар-да, бу ердагилар Ельцинни ёқтиришмайди. «Известия» газетасини унчалик суймайдилар, «Советская Россия»ни «дадиллиги» учун мақтайдилар. Пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланмаслиги эса Россия Федерацияси Коммунистик партиясининг бутун ташвиқотидан кўра коммунизмга кўпроқ хизмат қилади.

Шармандалик шу даражага етдики, кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари шаҳар қабристонига бориб, қабрлар устида қолдириб кетилган тухум ва конфетларни териб олмоқдалар. Айниқса, арафа байрамларини интизорлик билан кутадилар. Чунки бу пайтда ўлганларнинг қабри тепасида егулик кўп бўлади-да.

Жамоатчилик фикрини жалб этиш учун бўёқларни қуюқлаштириб юборишни истамасдим. Бу — оддийгина бошқаларнинг кўз ёшлари билан ўз юзингни намлаш эмас. Биз кўрганларимизнигина ҳикоя қиламиз. Ва фотокамера хизмати туфайли уни сиз ҳам кўрасиз.

Бош вазир Черномирдин ҳам, Ясин ҳам, Лившиц ҳам, меҳнат вазири Меликьян ҳам ҳавойи рақамлардан, ҳақ тўланмаслик муаммосидан хабардорлар. Агар улар узоқ жойларга ортиқча ҳашамсиз ва кўплаб машиналарсиз бориб қолсалар, бунга амин бўладилар. Шунда ҳақиқат намоён бўлади. Бундан ташқари, инсон дарду ғамида бундай «шон-шарафлар» яшириниган бўлади. (Ҳатто уни уддабурронлик ва кўздан яширишга уринилган тақдирда ҳам ҳақиқат намоён бўлади).

Биз эса Южага ҳеч қандай юқори даражадаги ташриф билан эмас, балки ўзимизча ташриф буюрдик. Шу боис ҳукумат аъзоларига инсоннинг оддий ҳаётидан қарздорлик муаммосини кўрсатиб бермоқчимиз.

«УРУШДА ИШОНЧЛИРОҚ ЭДИ»

Южадек кичик шаҳарчада қаторасига тўрт беш ойлаб пенсия ва нафақаларнинг тўланмаслиги фақатгина қашшоқлик чегарасидан сиргалиб кетишгина эмас, балки тирикчилик чегарасидан сурилиб кетиш билан баробар. Агар инсон ойдан-ойга ҳеч қандай пул маблағига эга бўлмаса, очлик ҳафтадан-ҳафтага чўзилса, бисотидаги бор нарсалар тугаб қолса, ҳеч ким қарз бермайди ва беролмайди ҳам. Атрофдагиларнинг ҳаммаси қашшоққа айланади. Шаҳарнинг собиқ «боқувчиси» йигирув фабрикаси (унинг ўзи аввалги қувватига нисбатан 20 фоиз миқдорида ишламоқда)дан ҳали бўшатилмаган кишилар ҳам бой эмас, чунки ишчиларга бериладиган арзимаган иш ҳақи кечикиб, бўлакларга бўлиниб, фоизлар миқдорида берилмоқда.

Бундай нодоимий тўловлар ҳақида пенсионер Евгения Ивановна Балуева (уруш пайтида у турли йўналишларда паровоз машинисти бўлиб ишлаган) шундай деди:

— Урушда ишончлироқ эди. Мен билардимки, ўзимнинг 400 грамм нонимни албатта олардим. Ҳар куни, 4 ой муддат ҳар куни тўхтовсиз олардим.

Менимча, шу ерда кўпроқ тўхталишга тўғри келади. Южа шаҳри аҳоли таркибининг ноқулай демографик ҳолати туфайли ана шундай оғир аҳволга тушиб қолган кўринади. Қарийб 30 минг киши яшайдиган шаҳарнинг 10 мингга яқин аҳолиси пенсионерлар ва ногиронлардан иборат. Уларга 6 мингдан зиёд болаларни ҳам қўшайлик. Меҳнатга яроқли 14 минг киши қолади, холос. Уларнинг ҳам бор-йўғи 8 минг нафари ишлайди. Қолган 6 минг кишининг 3 минг нафари ишсизлик туфайли ҳайрия ёрдами берувчи биржада рўйхатга олинган. (Аслида уларнинг бирортаси ҳам ўтган йилнинг май ойидан бери, яъни 9 ойдан бери нафақа олганлари йўқ). Оддий арифметика ҳисоб-китоблари рўйхатга олинмаган, яъни яширин ишсизлардан 3 минг киши борлигини кўрсатади. Бу кўрсаткич Южани наинки энг ишсиз ҳисобланган Иваново вилоятида, балки бутун Россияда биринчилар қаторига олиб чиқади. Улар ўзлари ҳақида бекорга

«БИЗНИНГ ЮЖАДАГИДАН ҲАМ КЎРА ОҒИР ҲАЁТ ЙЎК»

демайдилар.

Грушицкий муюлишидаги беш қаватли уй ёнида бир кампир — Галина Ивановна Коровина, ўтган йилнинг ноябрь ойидан бери пенсия ололмаётган пенсионер шаҳарда ишсизлар ва бетайинларнинг кўпайиши, ички иқиликбозлар ва дайдиларнинг келиб қолаётганлиги ҳақида бундай деди:

— Ҳа, улар ёмон, бироқ улар ҳам бирор нарса истеъмол қилиши керак.

Дайдилар (ўзимизнинг ҳамюртлар, улар кўз ўнгимизда шундай тубанликка юз тутишди, яқин ўртада жойлашган қолонияда ўз муддатини ўтаб бўлган бегоналар ҳам шаҳарга келиб уйларнинг ертўлаларига «ҳамхоналар» сифатида жойлашиб олишган). Кўп йўналишларга кўра «ёмонлар» сафидалар. Кўринишидан қўрқинчли, хавфли текинхўрлар ҳамма жойни ўғрилаб қуритишган. Худди ана шу «ёмон» деган ном дайдиларга шунинг учун ёпиштирилганки, улар мушук ва итларни ҳам тутиб ейдилар. Бизга қордаги суякларни ва териларни кўрсатишди. Ўша беш қаватли бинода яшайдиган кампирлар ўзлари ёқтирадиган жониворларни улардан қўриқламоқдалар. Дайдилар эса яқин атрофдаги бозорда жойлашган ахлатхонадан насибаларини териб емоқдалар. Женку, Тунгус ва Муха лақабли жониворлар ҳам ана шу ахлатхонадан насиба топадилар.

Суҳбатимиз қизиб турган пайтда тутун чиқиб турган ярим ертўладан

Кўп ойлардан бери пенсия ва нафақаларнинг тўланмаслиги сўл мухолифатнинг ташвиқотларидан кўра демократия ва ислоҳотларга кўпроқ зарар етказади.

болахонадор сўкиниб, олазарак кўзли дайди чиқиб келди.

Умуман, Южада биз ана шундай тубан дайди кимсаларни кўп кўрдик. Улар қаердандир пайдо бўлиб, маълум бир фурсатдан сўнг ўзларининг алмаштириб бўлмас маконларига эмаклаб кетдилар.

Шаҳар тимсоли тўлалигича ана шундай таассуротлардан иборат, деб ўйламанг. Қашшоқлашув ва ночорлик юзлаб одамларга тааллуқли бўлса-да, худога шукрки, у шаҳар ташқарисига чиқиб кетгани йўқ.

Агар баъзи жойларни кезиб чиқиб айрим маълумотларга махсус эътибор берилмаса, Южа шаҳри умуман осон бўлмаган оддий ҳаёт тарзини ўтказмоқда.

Корхоналар бир амаллаб бўлсада, ишлаб турибди. Санъат мактаби ва болалар кутубхонаси очиқ, бўш ҳам эмас. Болалар машғулот ўтказишмоқда. Бозор эса камбағал бўлса-да, бор. Ёш, чиройли оналар эса ўзларининг дастлабки фарзандларини саватдан тўқилган аравачаларда олиб юришибди. Бир кампир айтганидек, «зикр тушилаётган» битта дискотека ҳам мавжуд. Яна нима дейиш мумкин? Шаҳарда машиналар кам, одамлар қорда велосипедда юришибди. Бу ерда на бирор бир светофор, на бирор бир ресторан бор. Қиморхоналар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Зеро, ишбилармон одам қаерда ортиқча тийин борлигини, қаерда у қийинчилик билан топилишини билади. Шу боис, ҳозирча Южада унга иш йўқ. Бундай қараганда ҳамма жойдагидек, шаҳар шаҳардек туюлади.

БИТТА ЯНГИ ТУҒИЛГАН ЧАҚАЛОҚҚА ТЎРТТА МАРҲУМ ТЎҒРИ КЕЛМОҚДА. СЎНИШ СТАТИСТИКАСИ

Гап шундаки, биз Южада ўша ўзимиз чуқур эътибор беришни истамайдиган «айрим жой»ларни ҳам кўрдик. Шунда биз ўзимизни анча ноқулай ҳис қилдик.

Шаҳарнинг ҳожиавий жиҳатларидан бири — худди Шимолдаги кичик халқлардагидек бу ерда ҳам битта туғилган болага тўртта марҳум тўғри келади.

Балки қашшоқлашув омили бунга ҳам ўзининг тузатишларини киритгандир. Туман маъмурияти иқтисодиёт ва тадбиркорлик бўлими бошлиғи Валентина Александровна Жилина турмуш тарзининг пасайиб боришини кўрсатувчи тўрт йиллик натижалар кўрсаткичини менга тайёрлаб берди. Айтайлик, 93-йилда ҳаёт кечириш учун 2,4 минг рубль энг кам маош етарди. Ҳозир эса бу кўрсаткич 3,7 минг рублга етди. Вазиятни 1993 йил фойдасига ҳал қилган нарса шу бўлдики, бу пайтда маошлар ўз вақтида берилиб турарди. Ҳозир эса тўловларни вақтида олиш учун одамлар норозиликлар, намойишлар ташкил этишмоқда. Россия бу борада ҳам инсон ҳуқуқлари учун курашда жаҳон тажрибасини бойитди. Ҳамма жойда маошлар оширилиши, пенсиялар миқдорини кўтариш учун кураш олиб борилмоқда. Фақат бизда бор-йўғи қандайдир маошни ёки қандайдир пенсияни тўлаш учун курашмоқдалар. Фақатгина кўп ойлик маошни тўхтовсиз беришса бўлгани. Оддий жисмоний қувватни таъминловчи озиқ-овқатлар рўйхати тезроқ тузилиши керак. Ҳозир ўртача жанублик боқимандалар бир нечта картошка, нон, ва қандайдир дон маҳсулоти билан кифояланишга мажбур.

Бутун Южани бир неча соат ичида ҳам бўйича, ҳам энига кезиб чиқиш мумкин. Биз икки қаватли туман уйжой коммунал хўжалиги комбинати биносига бориб қолиб, болгалар шовқини остида иккинчи қаватга кўтарилдик. Маълум бўлдики, бу ер тобут ясаш устахонаси экан. Ишчи ва телефон ёнидаги қабул қилувчини кўрдик.

Бош муҳандис Иосиф Нужин ўзлари ишлаб чиқарётган ўта сифатли маҳсулотга буюртмалар сони кўпайиб бораётгани ҳақида маълумот берди. Улар тайёрлаётган «маҳсулотлар» эгаси билан бирга кетар, ҳар ойда одатда 30-50 та буюртма тушар экан. Умуман олганда, ўлганлар сони бундан ҳам кўп. Бинобарин, кўпчилик тобутни ўзи аввалдан тайёрлаб қўяр экан. Шукшиннинг унутилмас фильмидаги чолга ўхшаб устахонадагиларнинг маҳсулоти сифатига унчалик ишонмай ўзлари тайёрлаганлар.

Маълумки, маъмурият дафн этиш маросимига 800 минг рублга яқин маблағ ажратади. Ўлганларнинг маълум миқдорда пул йиғиб юрган қариндошлари ҳам топилади. Ўзимиз кўрганимиз йўғ-у, лекин айтишларича, шу кунларда ўлган одамнинг тобутини тик ҳолда мотоцикль кажавасига арқон билан маҳкам боғлаб олиб боришган.

Албатта, бу манзара ижтимоий тубанлик доирасига кирмайди, балки маънавиятнинг пасайиб кетганлигига бир мисол бўлиши мумкин. Агар жиддий ўйлаб кўрадиган бўлсак, четдан қараган киши одатдаги юз-юзлаб одамларнинг қашшоқлигини кўриб туриб, баъзан ишонмайди.

Шаҳарга иссиққина нон олиб келишди. Орқа-олди кўринмайдиган узун навбат. Кимдир сотиб олади. Икки нафар кампир эса автодўкон ёнида иккиланиб туришибди. Улар ҳеч бўлмаганда бир сония нон ҳидидан баҳраманд бўлишса...

КЎРМОҚ БОРУ ЕМОҚ ЙЎҚ

Майданово қишлоғи орқали шаҳарга, Южа бозорига юк автомобилида новвойхонадан иссиқ нон олиб келишди. Бу ерда нонга навбат учун, 2-3 қария кампир навбатдан бир қадам ҳам нарига ўтмайди. Охирги бир буханка нонни қўлга киритиш учун жанжал чиқди. Сотувчи эса нонни иккига бўлмади. Кимдир қариялларга ўзаро келишган ҳолда нонни бўлиб олиб, тарқалишни айтди. Ўз навбатида бу иш амалга оширилди. Ҳамма хурсанд бўлди.

Бошқалар ўзларига буни раво кўрмас эдилар, ҳеч қандай пуллари бўлмай нон автомашинаси олдида юриб, нонинг ҳидидан бироз бўлса-да нафас олишни хуш кўрдилар. Келиб-кетаётган одамларга бу ғайритабиий туюлар. Бироқ туб аҳоли ойлаб маош олмай ҳеч қандай маҳсулот сотиб ололмаётганликлари ҳақиқат.

Мира Николаева Киселёва 1953 йилдан буён шаҳар клиник шифохонасида ишлаб келмоқда. Унинг менга гапириб беришича, бизларда шу пайтгача бунчалик кўп очликдан шишиб кетган беморлар бўлмаган. Ҳозир барча кишилар санитария текширувига жўнатилмоқда. Ҳолсизланган қорни очлар — бу бир. Ҳаммомга (уйларда газ ва иссиқ сув йўқ) тушиш имконияти ҳам аҳолининг катта қисми учун тўғри келмайди. Паттанинг нархи оз эмас, кўп эмас икки минг рублга тўғри келади.

Сиз бунга нима дея оласиз, кўпгина давлат хўжаликлари қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (сабзи, лавлаги, қарам, картошка) экишдан бош тортмоқдалар. Чунки пули йўқ кишилар бу маҳсулотларни суғуриб ёки босиб ташлайдилар... Маълум иш: ўғрилик яхши эмас. Бувимнинг айтиб беришларича:

— «Ёмонлар ҳам ейиши керак-ку».

Доимий камбағаллик (бу барчанинг ҳаётида жон-жонидан ўтиб, шаҳар ҳавосида учиб бормоқда. Биласизми, муҳтожликда яшашнинг бошқа бир томонлари борки, буни афзал кўриш мумкин. Мана киши тўсатдан банкротга учради дейлик, ундан ҳамма нарсани ўчириб ташлашди.

У лочин қушидек ялангоч бўлиб қолди, шундай бўлса-да ўнинг ранги ўзгармаган. Кўзи эса сўнмаган, эгнидаги костюми эскирмаган. Йилдан-йилга узоқ вақт, секин-аста муҳтож кишиларнинг баъзи бир қисми камбағаллашиб бормоқда. Барча бўёқлар аралашиб кетади. Тингчина, шовқин солмайдиган, ярим ҳушдан кетган ўзини- ўзи ёмон ҳис этган инсонни кўз олдингизга келтирасиз.

ПОВОЛЖЬЕДАГИ КАТТА ОЧЛИКНИНГ АЙРИМ МАНЗАРАЛАРИ

Йўқ, йўқ. Аслида ҳам «айрим тафсилотлар» кўзга ташланмайди, шаҳарча ўз ҳаёти билан бир маромда яшайди. Бошқача айтганда, ўликлар кўчада ётгани йўқ. Оғзи ўрғимчак тўрлари билан боғланган кишилар деразалардан ғамгин боқмайдилар.

Шундай бўлса ҳам, шундай бўлса ҳам...

Нафақа ва пенсиялар, кўп ойлар давомида тўланмаганлиги сабабли аксарият кам таъминланган оилалар ҳамда боқувчисини йўқотган ёлғиз кишиларга (жами 11 минг 140 нафар) ижтимоий таъминот ташкилотлари 4,5 минг кишидан иборат ўта муҳтож тоифага муайян миқдорда ёрдам ажратди.

Шундай экан, туман маъмуриятининг саъй-ҳаракатларисиз ва ижтимоий ҳимоя штабининг (мен муттасил саъй-ҳаракатлари деган бўлар эдим, бироқ улар курсатаётган ёрдам 20-йиллар бошида Поволжье ҳудудида очларга кўрсатилган ёрдамдан кўп эмас.) ...агар шу даражада қатъий уринишлар бўлмаганда эди, Катта очлик давридаги каби кўчаларда ўликлар жасади ётган бўларди.

Агар бу одамларни ночор давлат ихтиёрига топшириб қўйсак, ваъда берилган биринчи июлга қадар бўлган муддатга кўпчилик етиб боролмаса керак. Шундай ҳам очлар-ку улар. Бу ҳаёт Поволжьедаги Катта очлик даври лавҳаларига ўхшаб кўринса, ажаб эмас.

Ночорларни қутқариш учун маъмурият раҳбари Валентина Сисуева шаҳар тадбиркорларига мурожаат қилди: ким қандай ёрдам бера олса, олиб келсин — ,шунда 8 миллион рубль тўпланди, дайдиларга нон, сут, устбош улашилди. Штаб ҳузуридаги 400 нафар ўта ночор кишилардан 40 тасига ошхона ҳамда дам олиш хоналари ажратиб берилди. Бу уларнинг кундузги қароргоҳи деб аталди. Икки ҳафтадирки, баъзиларни тўйдирмоқдалар, меҳр билан сийламоқдалар, баъзилар навбат кутишмоқда, сабр қилишмоқда. Ўзларини шунга тайёрламоқдалар.

Биз ошхонада навбатдаги алмашинувнинг сўнгги кунида бўлдик... Пенсиядаги 39 буви ва Вячеслав Колеванский (у фабрика ўтхонасида ўт қаловчи бўлиб ишлайди) жим шошилмасдан чучвара улушини чайнар эдилар. Улар бу ерда ўзларини жаннатга бораётиб, бошқа ёққа тушиб қолгандек ҳис этардилар. Эртага охирги кун, уларнинг ўрнига бошқалар келади. Улар эса яна қашшоқ, ялангоч ва оч қоладилар.

Ўз исмини тўлиқ айтишни истамаган Нина ва Антонина кўзларида ёш билан мудира Эльвира Широнова, тиббий ҳамшира Лидия Володина, ошпаз Галина Горбунова, хўжалик бекаси Ирина Гордеевага газета орқали раҳматнома билдиришимизни сўрашди. Улар бу ерда қариялларга ўз қизларидек қарашаётган экан.

Ходимларнинг айтишича, икки ҳафта мобайнида бу ерга ташриф буюрганларнинг кайфияти сезиларли даражада ўзгаради. Бу ерга биринчи келган кунлари куни қариялар ликобчаларни ялагудек бўладилар, худди телевизорда кўрсатилаётган ҳазил мусобақадагидек тез ва шошиб тановвул қиладилар. Бу ҳол 4 кун деганда ўтиб кетади. Нонушта, ҳордиқ, тушлик. Тунаш учун уйга кетадилар. Кўпчилик тушлик овқатдан икки-учта чучварани уйига олиб кетиш учун сақлайди. Уйда набиралар кутиб турган бўлади.

Клава Беловага ўхшаган айрим қариялар қўлларида полиэтилен халтача ушлаб кўзларидан ёш тўкиб турадилар: набиралари уйда егулик кутаётган бўлади.

Қариялларнинг телевизор кўришга тоқатлари етмайди. Айниқса, толмас ва сахий икки Леониднинг кўрсатувларини кўролмайдилар. «Нима? Қаерда? Қачон?» кўрсатуви эса қариялар учун ўта қўрқинчли туюлади. Қанақадир арзимас саволга жавоб топиб миллион рубль атрофида маблағга эга бўлиш Вера Шитанованинг ҳам, Клавдия Белованинг ҳам тасаввурига сиғмайди.

— Бизга шунинг 100 минги бўлса ҳам йил давомида ўтинимизга етиб турарди, — дейишади улар жаҳл билан. Ҳамда телевизорга орқа ўгириб олишади. Бу пайтда экранда жонли уккининг боши ҳар хил ҳаракатлар қилар, бу манзаралар орасидан бошловчи Ворошиловнинг кўзлари кўриниб кетарди. — Чунки менинг уйимни оддий печь иситади. Мен ўрмонга чанада бораман, — унинг овози асабийликдан кўтарилиб борарди, — ҳа, мен ўрмон хўжалигидан ўтин ўғрилайман. Сен буни ёз, ёз. Мен Хохлова Нина — майли мени жиноий жавобгарликка тортишсин, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Майли, жавобгарликка тортишсин!

Шундай ҳоллар бўладики, қариялар пенсиялар ўз вақтида берилмаганлиги сабабли оғир аҳволда қоладилар. Ўзларига ҳам, набираларига ҳам бир тишлам нон тополмай қолишади. Ижтимоий ҳимоя штабига арқон кўтариб келадилар, агар ёрдам берилмаса, ўзларининг жонларига қасд қилишлари мумкинлигини билдирадилар. Шундай пайтда ходимлар ихтиёрларидаги сўнгги бўлак нонларини ҳам улашиб юборадилар.

Туман маъмурияти айниқса болаларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да асрашга уринади. Ахир, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўламаслик-дек кўнгилсиз ҳодиса барибир қачондир барҳам топиши керак-ку! Унгача ҳам яшаш керак-ку! Туман маъмуриятининг тасарруфидаги бирорта ҳам касалхона ёки болалар боғчаси ўз ишини тўхтатгани йўқ. Болалар боғчасида Ивановодагидан кўра Южада икки марта кам тўлов олинади. Ҳамма қамомадни туман маъмурияти ўз зиммасига олди. Ҳаммомда ювиниш учун бир болага 1 минг, катталар учун 2 минг рубль тўланадиган вазиятда буларнинг барини маблағ билан қоплаш туман маъмуриятига қанчага тушаётганини ҳамма ҳам билавермайди. Маъмурият бошлиғи Валентина Сисуева (қариялар уни дуо қилишади)нинг кўрсатмасига кўра ярим оч шаҳарликлар Южанинг чет ҳудудларида ҳосилдор ерларга, томорқаларга эга бўлдилар. Шу баҳорда экиш учун туман маъмурияти беш тонна уруғлик сотиб олди. Нима қилиб бўлса-да, одамларнинг оч қолишига, шу туфайли ўғриликлар бўлишига йўл қўймаслик, яхши замонларгача болаларни асрабавайлаш маъмуриятнинг асосий мақсадидир.

Дунёнинг ҳамма ерида маошларни кўпайтириш, пенсиялар миқдорини оширишга интиладилар. Фақат бизнинг Россиядагина миқдоридан қатъи назар, озгина бўлса-да, маош ва пенсияларни олиб туриш учунгина курашмоқдалар.

БИРОРТА ҲАМ МАНСАБДОР ЮЖАДА РАҲБАРЛИК ҚИЛИШНИ ИСТАМАЙДИ

Биз кўнгилни ўртаб юборадиган манзараларнинг гувоҳи бўлдик. Уларни фотосуратчи Костя Завражин суратга олди: маъмурият бошлиғи эшиги олдидаги ўрниндиқда ногирон Валентина Тимофеева кўрпага (кўрпа дейишга ҳам арзимайди) ўраниб ўтирарди. Унинг Ира исмли қизи бор. Ногирон аёлнинг шарти шундай: «Қизим учун ёрдам пулини олмас эканман, бу ердан бир қадам ҳам жилмайман». Миш-мишларга кўра, шаҳар ғазнасига пул тушган ва уни маъмурият бошқа болаларга — кўп болали оилаларга тарқатиб юборган.

Нега уларга, бизга эмас? Демак, бизнинг болаларимиз оч-яланғоч қолса майли-ю, уларнинг фарзандларига бундай ҳол раво кўрилмайдими?

Фожиа деганлари нима? Бу — иншолар. Улар бу ерда ўзларини жаннатга бораётиб, бошқа ёққа тушиб қолгандек ҳис этардилар. Эртага охирги кун, уларнинг ўрнига бошқалар келади. Улар эса яна қашшоқ, ялангоч ва оч қоладилар.

Ўз исмини тўлиқ айтишни истамаган Нина ва Антонина кўзларида ёш билан мудира Эльвира Широнова, тиббий ҳамшира Лидия Володина, ошпаз Галина Горбунова, хўжалик бекаси Ирина Гордеевага газета орқали раҳматнома билдиришимизни сўрашди. Улар бу ерда қариялларга ўз қизларидек қарашаётган экан.

Ходимларнинг айтишича, икки ҳафта мобайнида бу ерга ташриф буюрганларнинг кайфияти сезиларли даражада ўзгаради. Бу ерга биринчи келган кунлари куни қариялар ликобчаларни ялагудек бўладилар, худди телевизорда кўрсатилаётган ҳазил мусобақадагидек тез ва шошиб тановвул қиладилар. Бу ҳол 4 кун деганда ўтиб кетади. Нонушта, ҳордиқ, тушлик. Тунаш учун уйга кетадилар. Кўпчилик тушлик овқатдан икки-учта чучварани уйига олиб кетиш учун сақлайди. Уйда набиралар кутиб турган бўлади.

Клава Беловага ўхшаган айрим қариялар қўлларида полиэтилен халтача ушлаб кўзларидан ёш тўкиб турадилар: набиралари уйда егулик кутаётган бўлади.

Қариялларнинг телевизор кўришга тоқатлари етмайди. Айниқса, толмас ва сахий икки Леониднинг кўрсатувларини кўролмайдилар. «Нима? Қаерда? Қачон?» кўрсатуви эса қариялар учун ўта қўрқинчли туюлади. Қанақадир арзимас саволга жавоб топиб миллион рубль атрофида маблағга эга бўлиш Вера Шитанованинг ҳам, Клавдия Белованинг ҳам тасаввурига сиғмайди.

— Бизга шунинг 100 минги бўлса ҳам йил давомида ўтинимизга етиб турарди, — дейишади улар жаҳл билан. Ҳамда телевизорга орқа ўгириб олишади. Бу пайтда экранда жонли уккининг боши ҳар хил ҳаракатлар қилар, бу манзаралар орасидан бошловчи Ворошиловнинг кўзлари кўриниб кетарди. — Чунки менинг уйимни оддий печь иситади. Мен ўрмонга чанада бораман, — унинг овози асабийликдан кўтарилиб борарди, — ҳа, мен ўрмон хўжалигидан ўтин ўғрилайман. Сен буни ёз, ёз. Мен Хохлова Нина — майли мени жиноий жавобгарликка тортишсин, ҳеч нарсадан қўрқмайман. Майли, жавобгарликка тортишсин!

Шундай ҳоллар бўладики, қариялар пенсиялар ўз вақтида берилмаганлиги сабабли оғир аҳволда қоладилар. Ўзларига ҳам, набираларига ҳам бир тишлам нон тополмай қолишади. Ижтимоий ҳимоя штабига арқон кўтариб келадилар, агар ёрдам берилмаса, ўзларининг жонларига қасд қилишлари мумкинлигини билдирадилар. Шундай пайтда ходимлар ихтиёрларидаги сўнгги бўлак нонларини ҳам улашиб юборадилар.

Туман маъмурияти айниқса болаларни ҳар қандай йўл билан бўлса-да асрашга уринади. Ахир, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида тўламаслик-дек кўнгилсиз ҳодиса барибир қачондир барҳам топиши керак-ку! Унгача ҳам яшаш керак-ку! Туман маъмуриятининг имкони йўқлиги ёки барча йўлларнинг ҳеч қаёққа элтмаслигидир. Бу болаларнинг қўлидагини олиб бошқаларга бериб кўринг-чи? Уларнинг ота-оналари ҳам бахтсиз Валентина Тимофеевانинг таъна-дашномларини қайтаришмайдими? Такрорлашмайдими? Ўйлаб кўринг, шундай вазиятда давлат ўз одамларини, жойлардаги ўз маъмуриятини қанчалар ноқулай аҳволда қолдирмоқда!

Маъмурият бошлиғининг эшиги олдида нималар бўлмоқда! Бироқ Валентина Сисуева бундай ночор кишиларга ўз идораси ёнида тунашига қаршилик кўрсатмайди. Кириш эшиги ёнидаги назорат постини гўёки кўрмайди. (Бандлик хизмати биржасида, масалан, икки кўрикчи у ерда рўйхатга олинган ишсизлар учун май ойидан буён нега бир чақа тўламаётганларига жавоб излаб ҳаёлларига ҳар қандай чиқишларга йўл қўймайди).

Валентина Алексеевна Сисуева — ёш раҳбар. Мана уч ойки, сайловда уч нафар номзод орасидан голиб бўлиб, иш бошлади. «Одамлар учун қандайдир наф келтириш» — унинг асосий мақсадидир. Валентина Алексеевна маҳаллий ходим, агрономдан чиққан. Ўз қарамоғидагилар билан бирга 5 қаватли уйнинг бир хонадонида яшайди. Бу уйда газ йўқ. У ҳамма қатори шаҳар ҳаммомига боради. Қариялар ва ногиронларнинг муаммолари ҳақида кўзида ёш билан гапиради. Бу ундаги раҳбарлик тажрибасининг озлигидан, муаммоларни ихтиросси бўйича эмас, бир қадар мавҳум тарзда, ҳаваскорлик иштиёқи, юракка яқин олиб, уларнинг оғриғи билан яшаганидан бўлса, эҳтимол.

Мен бир нарсани аниқ айта оламан: бирорта ҳам мансабдор, агар у ўзини ҳурмат қилса ва ўз манфаатларини унутишни истамаса, Южа шаҳридаги туман маъмурияти раҳбарлигига ишга бормайди. Бирорта мансабдор ҳам! Нега энди Сисуева ёки унинг бир қадар гангиб қолган ўринбосари Мошеев болалар, ногиронлар, қариялар билан бўлаётган кўнгилсиз ҳодисаларнинг жавобгарлигини, мактаблардаги болаларнинг очлик изтиробларини ўз зиммасига олиши керак экан? Мактабларнинг таъминоти учун ажратилган уч фоизлик молиявий ёрдамнинг (Президент кафолатига кўра) 1,5 фоизи ҳам федерал бюджетдан Южа шаҳрига келиб тушмади. Бирор марта ҳам!

Бизни пенсия жамғармасига маблағ ўтказа олмаган маҳаллий корхоналарнинг раҳбарлари мажлисига таклиф этишди. Нега энди Сисуева ва унинг ижтимоий ҳимоя штаби акцияларнинг назорат пакетини сотиб олган йигирув фабрикаси шаҳар ғазнасига ўтказиб бермаган 4 миллиард рубль қарз учун жавоб бериши керак экан? Ўз вақтида шаҳарда барча ташкилотлар шу фабрика қарамоғига интилар эди. Бу корхона бир пайтлар она каби бошқаларни боқкан бўлса, бугунги кунда унинг ўзи боқиманда бўлиб қолди.

Южалик ишсиз Галина Хохлованинг аҳволига тушиб кўринг-чи! У саккиз ойдан буён ишсизлик нафақасини ололмайди. Уч нафар боласи учун ора-чора олаётган нафақаси ҳисобига яшайди. Олганда ҳам бу пул қанча бўларди? 186 минг рубль — тўрт кишига! Ваҳоланки, яшаш минимуми бир киши учун 283 минг рублни ташкил этади-ку!

БАХТСИЗЛАР КЎПАЙИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ

Ҳа, Южа ўз бахтсизликларини бегона кўзлардан яширади. Бу манзаралар Южада яшаётганларнинг ҳам барчасига маълум бўлмаса керак. Ҳатто омадли шаҳарликлар ҳам бир қадар муваффақиятсизликларга дуч келадилар. Оч-наҳор болакай ёки қария қаердадир бошқа жойда ёки телевизорда кўринса, бу бошқа гап. Бундайлар ёнгинангизда бўлган тақдирда эса омад ва саодат қанча улкан бўлмасин, кишига татимайди. Жим, сукутда юрувчи шаҳарлик бахтсизлар ҳам, яъни ультратовуш орқали ўзларининг мавжудлиги ҳақида хабар берувчи ҳомилалар ҳам ўз бахтсизликларини ҳис этадилар. Улар ҳам шаҳар, мамлакат ёки минтақанинг ифлос ҳавосидан митти ўпкаларини тўлдиришар экан, илк бор бахтсизлик таъмини татиб кўрадилар.

Бизда чамаси капитализмга тақлид қилишади. Южа архивида мен шаҳар йигирув фабрикаси тарихига оид материалларга дуч келдим. Уни деҳқонлардан чиққан савдогар Асикрит Яковлевич Балин қурган. Кейинчалик, ўтган асрнинг охирида у 3 миллион рубль маблағ билан ўртоқлик мануфактурасига асос солди. Шаҳарнинг асосий кўркам бинолари Балин даврида бунёд этилган: ётоқхоналар, қутубхоналар, касалхоналар, санаторийлар, монастирлар... Хўш, мен архив ҳужжатларида нимани ўқидим?

Ибтидоий рус капитализмини илоҳийлаштирмасдан айтиш керакки, биз капитализмга ношудларча тақлид қилувчи «ёмон ўқувчилар» эмасмиз. Балин фабрикаси ҳузурида бепул болалар яслилари мавжуд эди. «Ўртоқлик мануфактураси ўтлоқларида, — ҳужжатдан кўчириб ёзиб олдим мен, — иккита катта чорва моллари подасини боқиш мумкин бўлган. Чорва моллари мануфактура ишчи-хизматчиларига тегишли бўлган». У ерда пенсиялар, ёрдам пуллари ҳақида ҳам қайдлар мавжуд. Бироқ, мен сизга маълум ҳаммом ҳақидаги кўчирмани келтиришни лозим топаман: «... унда ишчи-ходимлар жума ва шанба кунлари эрталаб соат бешдан кечки соат ўнга қадар ювинганлар. Душанба, сешанба, чоршанба кунлари эса ҳаммом кирхона вазифасини бажарган. Ҳаммом ҳам, кирхона ҳам мижозларга бепул хизмат кўрсатган». Ақлли рус қариялари хизматчига қанчалик кўп маблағ ажратилса, у янада кўпроқ бўлиб қайтишини яхши тушунганлар.

ҲУКУМАТДАН СЎНГСЎЗ КУТИБ

Сўнгги мулоҳаза. Южа шаҳри фавқулодда кўмакларсиз мавжуд муаммолардан эсон-омон чиқиб ололмайди. Айниқса, қариялар ва болалар билан. Вазиятни шу нарса янада кескинлаштирадики, 1997 йил Иваново вилояти шаҳар ғазнасига ўтказилган маблағнинг 5,4 миллиард рублини ўзлаштириб олди. Бу пенсия ва нафақаларнинг кўп ойлар давомида берилмаётгани манзарасини қуюқ қора ранглар билан тўлдиради. Кўчаларда очдан ўлганларнинг ётиши кимга керак? Мен биламан, Иваново вилоятида ҳам ушбу муаммоларнинг ечимини топиш осон кечаётгани йўқ. Хўш, нима қилмоқ керак? Ҳукумат қандай йўл тутади? Синганни чегалаш, ўт ўчириш машиналарини ёнгин бўлаётган жойга чақириш ва «Ёнгин!» дея бақир-чақир қилиш билан муаммони бартараф этиб бўлмайди. Бу ўринда биринчи июлга қадар қарзларни навбатма-навбат узиш усулигина эмас, иқтисодда «қора туйнуклар» деярли ҳар куни пайдо бўлиб турган шароитда асосли иқтисодий концепцияни ишлаб чиқиш талаб этилади. Ишлаб чиқаришни режали изга солиш ҳамда ҳақиқий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, халқ «капитализми» заҳирасига қудратли куч билан таъсир этиш учун ғоялар ва режаларни ишлаб чиқиш зарур, токи кишилар юқоридан бир нарса берилишини кутиб турмасдан, ўз тирикчиликлари учун керакли бўлган маблағни ўзлари ишлаб топсинлар. Юқорига солиқлар ҳам тўлаб турсинлар.

Маош, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида берилмаслиги, ҳаттоки ҳукуматнинг тақдирига ҳам дахл қилиши мумкин. Нима бўланда ҳам ушбу муаммога

ОҚ ПОШШОГА ҚАРШИ ЧИҚҚАН МАЪМУР

1876 йили 19 февралда Қўқон хонлиги Чор Россия қўшинлари томонидан босиб олинди. Янги босиб олинган ўлка Россия императори Александр иккинчининг туғилган кунига бебаҳо ҳадя эканини Туркистон Генерал губернатори фон Кауфман телеграммасида маълум қилган.

1873-78 йиллари Фарғона водийсида Маъмур Мирғани ўғли бошчилигида халқ чиқишлари бўлиб ўтган. Бу қўзғолон ҳақида маҳаллий муаллифлардан Мулло Холбек мулло Мусо Андижоний ўғли, Муҳаммадризо Марғинонийлар маълумот берадилар. Ўзбекистон Давлат архивида ҳам Маъмур ҳаракати ҳақида маълумот сақланади.

1878 йилнинг бошларида Фарғонада рус маъмуриятига қарши Етимхон деган шахс бошчилигида ҳаракат бошланди. Баҳорда Маъмур ҳам Етимхон хатини олгач, Фарғонага қайтади. Етимхон қўзғолони Андижон, Ўш, Қўқон уездларида бўлиб ўтган. Қўзғолонда деҳқонлар, руҳонийлар, ҳунармандлар ва аҳолининг бошқа гуруҳлари қатнашганлар. Воқеа ривожини архив материаллари тилидан баён қиламиз:

Маъмур Мирғаниев Етимхоннинг ҳаракатида қатнашиб «амирлашкар» унвонини олган. Етимхон 1878 йили 8 июнда қўлга олиниб 18 июнда генерал фон Кауфман буйруғи билан дорга осилди. Унинг ёнидан Етимхонга ёзилган Маъмурнинг 4 хати чиққан. Андижон уезди ҳокимининг ахборотига қараганда маъмур Етимхон ҳаракатининг энг асосий ташкилотчиларидан бўлиб, Қашқатерак ва Саройбулоқ атрофида ҳаракатини бошлаган. Аввалда унинг дастаси 20 нафардан иборат бўлган. Етимхон билан қўшилгандан сўнг қўзғолончиларнинг сафи анча кенгайган. Маъмур рус қўшинлари билан 5 июнда ҳал қилувчи урушга киришди. Жанг Сувоқ булоқ беги мавзеида бўлди. Етимхон асир тушгач Маъмур Андижон волостининг раиси Муллокалон Атанаевни найза билан ярадор қилиб, икки нафар тарафдорлари билан қочади. Уруш майдонидан Етимхон муҳри билан ҳужжатлар топилди. Аскарлар Маъмурни қидириб 19 август 1878 йил Чол яйлов мавзеида унинг ўтовларини топишади. Қидирув жараёнида ўтовларнинг биридан Саид Музаффархон раҳбарлигида ғазотга даъват этувчи иккита мактуб топилди.

18 сентябрда Маъмурнинг ўзи сафдошлари Пўлат Тортамишев ва Норқул Алақули ўғли билан қўлга олинди. Маъмур ёнидан топилган навбатдаги мактубда Қўқон аҳолиси уни қўллаб-қувватлашларини ваъда берган ва Муҳаммад Алибекнинг муҳри босилган эди.

Чор ҳукумати халқ норозилиги ва қаршиликларининг олдини олиш учун Маъмур ишидан ўз манфаати учун фойдаланди.

22 декабрь 1878 йили Марғилонда Ҳарбий Дала Суди Маъмур Мирғани ўғли ишини кўриб чиқиб, уни 15 йил каторга ишларига маҳкум қилди. Лекин Туркистон генерал-Губернатори фон Кауфман 1879 йили 5 январда Тошкентга келгач, Маъмур иши билан танишиб уни «Оқпошшога қарши чиқиб, маҳаллий аҳоли ўртасида исён кўтаргани ва ўлкада рус маъмуриятини ағдариб ташлашда айблаб ўлим жазосига маҳкум қилди. Генерал фон Кауфман буйруғи шундай сўзлар билан якунланган: «Маъмур Мирғаниев ҳамма ҳуқуқларидан ва молу мулкидан маҳрум этилиб, дорга осиб ўлдирилсин. Қуйидаги фармон Андижон шаҳрида, бозор кунларининг бирида амалга оширилсин».

Фарғона вилояти қўшинларининг қўмондони генерал-майор А. Абрамов фон Куафман буйруғини олгач, қўшин бўйича фармон бериб, генерал-губернатор буйруғини бажариш унинг зиммасида эканлигини маълум қилди. Аҳоли ўртасида ҳам бу хабар махсус фармон билан тарқатилди. Фармондан нусхалар кўпайтириб Марғилон, Андижон, Қўқон, Ўш, Чуст, Наманган, Чимён (ҳаммаси бўлиб 107 нусха) аҳолиси ўртасида тарқатилди. 1879 йил 30 январда Андижон уезди ҳокимининг бошлиғи ўзининг 473 рақамли рапортида Фарғона вилояти маъмуриятига Маъмур Мирғани ўғлининг 25 январь соат 12да Андижоннинг катта бозори саҳнида дорга осиб қатл қилгани ҳақида ахборот берган.

Маъмур Мирғани ўғли «мундуз» 1838 йили Андижон атрофида оламга келган. Ҳақиқатда Маъмур Мирғани ўғли Туркистон истиқлолчилик ҳаракатининг бошида турган қаҳрамон ўғлонлардан бўлади. У оқпошшога қарши чиқиб, Туркистон халқининг эркка ва озодликка бўлган азалий ҳаракатларини яна бир марта исботлади.

Шодмон ВОҲИД.

Туркистон жасурлари

1

МЕҲР КЎЗДА ДЕЙДИЛАР

Хорижлик бир гуруҳ руҳшунос олимлар «ҳижрон муҳаббатни мустаҳкамлайдими?» деган саволга жавоб топиш учун узоқ кузатишлар олиб боришди. Севишганлар турли сабабларга кўра бошқа-бошқа шаҳарларга «ажратиб» юборилди. Тадқиқотчилар минглаб европаликларга сўров анкетаси тарқатишди. Шундай сўров анкетасига жавоб берган 124 нафар «ошиқ»ларда «тажриба» ўтказишди.

Орадан 15 ой ўтгач яна ҳақиқий «ошиқ»ларни аниқлаб, ғалвирни сувдан кўтаришди. Афсус, уларнинг кўпчилиги тутдек тўкилганди. Ошиқ-маъшуқларнинг аксарияти талабалар эди. Лекин 35-40 ёшга бориб қолганларимиз талайгинадир. Уларнинг 68 нафари ёки 54,8 фоизи ҳижронга бардош беролмай ишқий саргузаштлари аллақачон тугаганини билдиришди.

— Қолганлари эса «аввалгидек бир-биримизни кўмсамасак-да, лекин учрашиб турибмиз» дейишган, — дейди доктор Уильям Уимат. — Ҳар ҳолда оз бўлса-да «чидаганлари» ҳам бор.

Меҳр кўзда, дейди халқимиз. Европаликларнинг ҳам меҳри шундай — кўзда, шекилли.

ҚОЧОҚЛАР МУАММОСИ

БМТ Олий Комиссарининг қочоқлар иши тўғрисидаги «Дунёда қочоқлар аҳволи» номли янги китобида таъкидланишича, 1992 йилда бу кўрсатгич кунига 10 минг кишини ташкил этган. Умуман, 1992 йил давомида 18,2 миллион қочоқ қайд этилгани эса қочоқлар сони бундан 20 йил аввалига нисбатан 8 баробар кўп бўлганлигини кўрсатади. Бунга қўшимча тарзида яна 24 миллионлик ўз мамлакатлари ҳудудида кўчманчилик қилишга мажбур бўлганларни қўшадиган бўлсак, жаҳондаги ҳар 130 кишидан биттаси ўз қадрдон юртидан бадарға бўлгани кўринади.

Шу жумладан, БМТ Олий Комиссарининг «Қочоқлар» журналида ёзилишича, тобора ўсиб бораётган ҳақиқий қочоқлар ва иқтисодий моддий манфаатлар мақсадидаги кўчманчиларнинг кўпайиб кетаётганлиги инсониятнинг 3500-йиллик тарихга эга «қўналға бериш» анъанасини йўққа чиқармоқда.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

МИЛЛИЙ КЕЛИШУВ САРИ

☑ Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг Бирлашган тожик мухолифати раҳнамоси Саид Абдулло Нурий билан Эроннинг Машҳад шаҳрида бўлиб ўтган учрашув-музокаралари муваффақиятли, ҳар икки томон учун манфаатли тарзда якунланди, дея хабар беради Тожикистон Президентининг матбуот котиби Зафар Саидов. У музокаралар чоғида имзоланган уч ҳужжатдан, айниқса, «Миллий келишув бўйича комиссия тўғрисида»ги ҳужжатни муҳим дея таъкидлади. Мухолифат раҳнамоси ушбу комиссия ишини бошқаришга розилик берган.

«МЕН КУРАШЧИМАН...»

☑ Россия Президенти Борис Ельцин ва мамлакатнинг бошқа раҳбарлари Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Кремль девори қошидаги номаълум аскар қабрига гулчамбар қўйдилар. Шундан сўнг журналистлар саволларига жавоб берар экан Б. Ельцин: «Мен бутунлай соғайиб кетдим», — деди. Президент касаллик даврида 26 килограмм вазнини йўқотганини, саломатлигини буткул тиклаши зарурлигини, соғайиш даври ўзи истаганчалик тез кўчмаётганлигини айтди.

Давлат думасида авж олиб кетган Борис Ельцин саломатлиги атрофидаги баҳслар кўпроқ сиёсий аҳамият касб этмоқда, коммунистик йўналишдаги мунозараларга ўхшамоқда. Буни Россия Президенти яхши тушунади ва бу ҳақда шундай деди: «Мен курашчиман ва шундайлигимча қоламан. Мен билан бундай муомала қилишнинг оқибати жуда ёмон бўлиши мумкин. Ҳатто Думага ҳам, агар у шуни истаса, яхшигина жавоб қайтаришим мумкин», — деди. Бундай жавобда озгина пўписа ҳам борга ўхшайди.

ЙЎЛЛАР ЯҚИН БЎЛАДИ

☑ Ҳиндистон, Туркманистон ва Эрон ташқи ишлар вазирлари икки йиллик музокаралардан сўнг, ниҳоят, товарлар транзити тўғрисидаги битимга имзо чекдилар. Эришилган келишувга кўра, Ҳиндистондан Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳудудига жўнатиладиган товарлар Эроннинг Аббос Бандар портидан, Эрон темир йўллари орқали Туркманистонга, ундан белгиланган жойга юборилади.

ЎҚ ДОРИЛАР ҚИСҚАРАДИ

☑ Россия Мудофаа кенгаши котиби Юрий Батуриннинг баёнотига кўра, собиқ 14-армияни Преднестровьедан олиб чиқиш ёки уни тарқатиб юбориш тўғрисидаги масала ҳозирча орқага сурилади. Преднестровьедаги қўшинларни қисқартириш ёки уларнинг таркибини қайта кўриб чиқиш ҳақида гап бўлиши мумкин, холос. Ўзбошимчалик билан ташкил этилган Перднестровье республикаси Президенти Игорь Смирнов билан Россия Президенти учрашувидан сўнг шундай келишувга эришилди. Батурин Тирасполь ўлкаси ҳукумати билан бўлиб ўтган Преднестровье тўғрисидаги музокараларни фойдали ва муваффақиятли ўтди, дея таъкидлади. Келишувга кўра, у ердан катта миқдордаги ўқ-дорилари олиб чиқиб-кетилади.

ФИДЕЛЬ КАСТРОНИНГ ОЖИЗЛИГИ

☑ Буюк Британиянинг «Таймс» газетаси ёзишича, Куба Президенти Фидель Кастро қудратли диктатор бўлиш билан бирга эҳтиросли ошиқ ҳам экан. Нэти Реваелта исмли гўзалга 40 йил давомида ёзилган мактублар буни тасдиқлайди. Мақола муаллифининг таъкидлашича, бу хатларда муҳаббат изҳоридан ташқари коммунистик ғоялар ҳам тайшиқ этилади. Кастро бир мактубида ҳижрон изтиробидан ўртаниб, висол онларини интизор кутаётганлигини ёзса, яна бир хатида ишқ-муҳаббат ҳақида лом-мим демай, буржуа жамиятининг аёлга бўлган муносабатини кескин танқид этади.

Ушбу мақола жаҳон жамоатчилигини Куба Президентига бошқача нигоҳ билан қарашга даъват қилади. Ҳатто Фидель Кастродек темир иродали курашчи ҳам аёл гўзаллиги олдида ожиз қолганлиги қизиқ.

ОЗИШ ВОСИТАСИДАН ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ

☑ Америка олимлари тўрт йиллик тадқиқотлардан кейин Ғарбда кенг тарқалган кишини ориқлантирувчи «Рэд юкс» воситаси юрак, ўпка ва руҳий касалликларни келтириб чиқариши мумкин, деган хулосага келдилар, дея ёзади «Дэҳли телеграф» газетаси. Аммо бу хулосага келгунга қадар кишилар қанчадан-қанча бундай дориларни истеъмол қилганлар.

Яна бир тадқиқот натижаларига кўра, ҳозир дунёда семириб кетишдан энг кўп даражада чўчийдиганлар америкаликлар экан. Шу сабабли улар ҳар хил каттакичик байрамларда бир-бирларига «Рэд юкс» ёстиқчаларини совға қиладилар. Бироқ, ҳеч ким ҳозирча унинг салбий таъсирини сезганини маълум қилмаган. Истеъмол қилганларнинг 30 фоизи ўзларида озиш белгиларини пайқаганлар.

Салим АШУРОВ.

2

Қўллар мўъжизаси.

Тақдир ҳазили

ТИЛИНИ «ЮТГАН» ОДАМ

Англия. Суррей шаҳрида ғалати воқеа рўй берди. Балки ғалати эмас, бахтсиз ҳодиса деса тўғрироқ бўлар. Нима бўлгандаям шифохонадаги бу воқеа ҳаммани шошириб қўйди.

Эндигина 27 ёшни қоралаган Вэсселе Райтнинг бирданига 3 та тишини суғуриб ташлашди. Ақл тишларини олдирган бемор ҳали наркоз таъсирида жимгина «ухлаб» ётганини кўрган доктор банкка бориб келмоқчи бўлди.

Фалокатни қарангки, тиш доктори ҳали банкка етмасданоқ бемор ғирашира ўзига келди. Ҳали батамом ўзига келмаган йигит ғудраниб тилини «ютиб» юборди.

Марҳум мижознинг оилааъзолари тиш докторини судга беришди. Докторнинг судда айтишича, «тиббий ҳамшира қараб турар»деб ўйлаганмиш.

Суд эса докторни «оқлаб» юборди. Мижоз бахтсиз ҳодисага йўлиққан экан-да.

I

Ҳиндистон сари йўл тутган сайёҳ Колумб ўзи билмай янги қитъа кашф этган эди. Қадимги Ҳиндистон табобат санъатини эгаллаш ниятида бўлган Франс Антон Месмер ҳам олдиндан белгилаб олган йўлидан адашиб, умуман бошқа — янги бир сўқмоққа тушиб қолди ва шу сўқмоқда биринчи бўлиб унинг излари қолди. Месмер бу сўқмоқдан йўл очди. Йўл янги қитъага, фаннинг янги қитъасига олиб борди. Бундай бўлишини ўзи ҳам кутмаган Месмер, чиндан ҳам тиббиётда Амриқони кашф қилди деса арзигулик.

Франс Антон Месмер (1734 —1814) — австриялик фозил, табиб. XVIII аср тиббиёт илми тан олмаган сирли, пинҳон кучлар билан даволаш усулининг асосчиси. Илоҳий, фалсафий, табиий ва тиббий илмлар тадқиқотчиси. Инсон ва коинотнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги тиббий ва нужумий тасаввурлардан келиб чиқиб, тортиш кучига асосланган дунё тараққиётининг умумқонуниятлари мажмуи мавжудлиги хусусида илмий мулоҳазаларини илгари сурди. Оҳанрабо воситасида касалликларни даволаш тажрибасини муваффақиятли қўллаб, мағрибий Овруўпа дунёсида маълум ва машҳур бўлди. Мўл малака тўплаган Месмер кейинчалик бевосита оҳанрабонинг ўзи билан даволаш усулидан воз кечиб, қўл ва бармоқлари орқали оҳанрабонинг шифо кучини хастага узатиш услубини тажрибада синаб кўрди. Шифобахш бармоқ учлари жароҳат топган асаб тугунларига тегиши билан жон тоғининг юксак чўққиларига чиқиб олган изтироб ва оғриқ лашкарлари пастга, пастга ва пастроққа эниб келаверардилар. Ишонмасангиз...

ТАРЖИМОН.

Ниҳоят, кўпдан кутилмаган ҳодиса рўй бераётганди. Ҳодиса қаҳрамони — Парадиз исмли ёш қизнинг бошидан кечирганларини беғубор бир қисса қилиб битса арзигулик эди. Чунки дунёдаги жами хасталиклар тарихларини титкилаб кўриб-да кўпчилик кўз ўнгида ўтказилган муолажаларнинг ушмундоқ даражада наф келтирганига шоҳид бўлолмассиз деб ўйлаймиз. Истеъдод борасида Худо сийлаган қиз — Мария Терезия Парадиз тўрт ёшга тўлар-тўлмай, кўз асабларининг қаттиқ жароҳатланишидан кўр бўлиб қолди. Клавирли чолғу асбобларини бениҳоя гўзал чалиши наврастани бутун Венага маълум ва машҳур қилган, мамлакат қироличаси уни ўз ҳомийлигига олган эди. Малика расиданинг ота-онасига икки юз тилла дукат миқдорида нафақа тайинлади. Суқир бўлиб қолган табиатан қобилиятли мурғак созандани ўз ҳисобидан ўқитди. Фурсат ўтиб, Парадиз жозиб маҳорати-ла мусиқа ошиқларининг, ҳатто улуғ машшоқ Моцартнинг кўнглини ҳам мафтун ва маҳлиё этди. Вена кутубхонасида ҳанузгача унинг намойиш этилмаган бетакрор мусиқалари хатланган гўзал дафтарлар сақланади.

Кўзи ожиз шу қизалоқни Месмер ҳузурига етаклаб келдилар.

Бундан бурун уни Венанинг энг олд кўз докторлари — профессор Барт ва сарой ҳос табиби Штерк тиббиёт илмининг тўкис қонуниятлари асосида йиллар мобайнида даволаган эсалар-да, кўнгилга таскин берувчи натижага эришолмадилар. Айрим аломатлар — кўз томирларининг тортишиши, ўз чаноғидан чиқиб кетгудек талвасага тушиши, ўт пуфаги ва жигарнинг хасталиги, бундан ташқари, жинниликнинг илк босқичида кўриш қобилиятининг сусайиши мумкинлиги каби белги ва эҳтимоллар Парадизнинг кўз асаблари жароҳатланмаган, балки қизалоқнинг руҳий мувозанати бузилиши оқибатида у кўр бўлиб қолган, деган хулосага келиш учун ўқ-асос берар эди. Сўнгги умид, охирги илинж уни Месмер ҳузурига етаклаб келди. Месмер қизчанинг табиати қаттиқ руҳий ларзада эканини аниқлайди ва агар ҳақиқатан ҳам шундай бўлса, унинг даволаш услубидан ёш машҳура шифо топиши мумкинлигини айтди. Даволаш натижаларини аниқ кузатиш имконига эга бўлиш учун дўхтир навниҳолга ўз уйидан жой беради. Бу ерда Парадиздан бошқа яна икки қиз афсун йўли билан даволанаётган эди.

Эсдаликларнинг шу жойигача барча замондошларнинг гувоҳликлари бир-бирига мос келади. Хотираларнинг пировард ҳақиқати эса бир-бирини рад этади. Месмер қизнинг кўзини бутунлай очгани ҳақида ёзса, бу муолажага бошдан-охир гувоҳ бўлган профессорлар эса Месмер даво усулларининг таги пучлигидан, қизалоқнинг кўзи очилишига келсак, бу бир хом хаёл, алдоқ, руё эканлигидан, бунга афсун аралашганидан шаҳодат берадилар. (Зеро, илм аҳлининг барча гуруҳлари Месмер даволаш услубини якдиллик билан «руё» деб баҳолайдилар.) Бир ярим асрлик фурсат ўтиб, икки бир-бирига тазодли бу тасдиқлар орасидан тўғрисини топиш, ҳақиқатни қарор топтириш бир оғил сомон ичидан игна қидиргандай мушкул машғулотдир. Докторларимизнинг (дойим (с)аломат бўлсин-да улар!) гувоҳлик беришларича, Мария Терезия Парадизнинг чашмлари очун юзини ҳеч қачон равшану мушаккал кўра олган эмас. Месмерни эса, жамоанинг шаҳодатидан ташқари навкомила қизнинг падари бузруквори рақам этган битик ҳам ҳимоя қилади. Бу битик шу қадар ошкора, шу қадар соддаки, унга ёлғон аралашмаганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади. Қолаверса, кўрликдан аста-секин халос бўла бориб, олам ранглари-ни тобора яққолроқ илғаб-фарқлаётган одамнинг кўнглидаги кечинмаларини, руҳоний кечмишларини бу қадар ёркин, бу қадар батафсил қайд этган ҳужжат, далилу бурҳонларни камина бағоят кам учратган. Инсон қалби илмини комил билишга асосланган бу даражада нозик, майда-чуйда тафсилотларни тўқиб чиқариш учун Парадизнинг қариб-чуриган муовин отаси ёхуд табиатан дағалроқ Месмер эмас, оташнафас шоир ёки руҳиятшунос файласуф бўлиш тақозо қилинади.

Кузатишларнинг моя мундарижасидан иқтибос келтирамиз:

«Доктор Месмер жаноблари қисқа вақт кучли сеҳрли таъсир ўтказгач, у рўпарасига териб қўйилган нарсаларнинг жисм ва шакл-шамойилларини ажрата бошлади. Бироқ янги туйғу шу қадар ўткир эди-ки, дунёнинг ранг-баранглиги қизчани шу қадар мутассир қилмоқда эдики, у деразаю даричалари парда ҳамда тўсинлар ила тўсилган тийра хонадагина кўзини салпал очиб, дунёни аста-секин, аввал ғира-шира, тийранроқ кўриши мумкин бўларди. Беш қатланган боғич билан боғланган кўзлари олдидан ёниб турган шамни лик этиб ўтказишганда қиз чақмоқ урган дарахт сингари қулаб тушди. У илк бор дўхтир Месмер жанобларининг қиёфасини кўргач, инсон шакл-шамойили қандай бўлиши ҳақида, инсон гавдасининг тузилиши ҳақида тасаввур ҳосил қилди. Месмер ҳаракатларини таҳайюр билан кузатди. Месмер қизнинг назарини ўргатиш, қўниктириш, дунёга тўлаётган кўзларни синаш учун қиз қаршисида анча вақтгача ўқ теккан аскардай чайқалиб турди. Қиз бу манзарани тишини тишига босиб кузатар экан: «Наҳотки одамнинг қиёфаси шунақа бўлса? Ахир, бунақа кўриниш жудаям кўнгилсиз-ку!» — деди ҳайрат билан. Унинг истагига кўра, қўлга роса ўрганган хоназот итни келтирдилар. Қиз кўппакни илгаритдан жуда ёқтирарди. Ҳозир ана шу итни шоён диққат ила кузатиб: «Бу ит одамга қараганда кўпроқ ёқди менга, унга қараб туриш одамга қараб туришдан енгилроқ», — деди. Кучук бошидаги ғовак бурунлар айниқса қизга манзур бўлди. У ўзини кулгудан тўхтатолмас ва таассуротларини: «Бурун катакларининг таҳдид солишига қаранг, худди мен томон йўналиб, кўзларимни ўйиб олмоқчига ўхшайди-я» — деб ифода этарди. У бир қанча бирodarларимизнинг юз тузилишларини кўргач, одам қиёфасига ҳам ўрганди. Нарсаларнинг ранглари ва масофани идрок қилишда худди чақалоқ ёки гўдак монанд қийналар, ўзида янги пайдо бўлган кўриш қобилиятидан фойдаланишда тажрибасиз ва нўноқ эди. Ранглари тўғри фарқлар, бироқ номларини чалкаштирар, айниқса бирор нарсанинг изини кўрсатишса, ўзига таниш-нотаниш белгини кўраётгандек ҳис этарди ўзини. Қора рангни бурунги сўқирлигимнинг рамзи, деб тушунтирарди. Қора уни ҳамиша, даволанаётган пайтида такрорлангани сингари, дилгир бир кайфиятга солар, бундай пайтларда ўпкаси тулиб, ҳўнграб юборарди. Бир сафар қаттиқ талвасага тушди. Ўзини юмшоқ диванга отиб, қўллари билан дуч келган нарсани урар, кўз ва пешонасидан боғни узиб ташламоқчи бўлар, дуч келган одам ёки нарсани суриб ташлар, тушкунликнинг тубсиз ғорига ўзини отардики, ҳар нечук моҳира актриса ҳам қайғу ёб адо қилган қиз тимсолини яратмоқчи эса, шу тобда ёш самимий Марияга шогирд тушиши даркор эди. Бир неча дақиқада бу ғамангиз ҳолат ўтиб, қувноқ ва шодумон кайфиятга қайтган эди-ю, лекин тутқаноғи қайта тутиб қолди. Унинг кўзи очилгани ҳақида гап-сўзлар тарқалганининг биринчи кунларида хеш-акрабомиз, биродарларимиз, олиймақом муҳтарам зотлар уйимизга бир-бир ташриф буюравердилар. Кўпчиликка ўрганмаган Мария ўзини ноқулай сеза бошлади. Бир гал норози бўлиб: «Нега энди мен ўзимни олдингидан ҳам бахтсизроқ ҳис этяпман? Кўраётганларимнинг ҳамма-ҳаммаси менга ёқимсиз туюляпти. Қайта, кўзим ожизлигида хотирим ҳозиргидан чандон жамроқ эди», — деганди менга. Унинг кўнгилпоралиги ўзгаларнинг бегона оламига кириб бораётганидан эканлигини, нигоҳлари оламга, ўзи нигоҳларига қуниккач, бошқалар янглиг бемалол ва мамнун бўлиб қолишини уқтириб, қизимни овунтирдим. «Ундай бўлса яхши, — деб жавоб қайтарди у, — агар бошқа нарсаларга назар солганимда ҳам менда шу таҳлит кўнгилсиз ҳиссиёт уйғонадиган бўлса, дарҳол илгариги ҳолатимга қайтишга розиман».

(Давоми бор).

Стефан ЦВЕЙГ

Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

КЎР КЎЗНИНГ ОЧИЛИШИ

БАЛЛИ, ҚОРАКЎЗЛАР!

Каратэ дунёда футбол ва боксдан кейин энг оммавий саналади. Спортнинг бу тури айниқса юртимизда кенг тарқалмоқда. Ёш боладан тортиб мўйсафидгача каратэ нима десангиз, «қараб теп», деб ҳазилга йўйишади. Дарвоқе, йигитларнинг абжир ва чаққонликда яшиндек ҳаракат қилишларига ёҳуд ақл бовар қилмайди. Оёқларини қулочдек ёзиб, қўл етмаган жойга зарб туширишлари кишини лол қолдиради.

— Кўнглимизда фахр ва ғурур жўш урмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси каратэ миллий федерациясининг президенти Нурхон Нафасов. — Умуман, миллий федерацияни ташкил этилиши ҳам истиқлол шарофатидан. Энди биз ўз куч-маҳоратимизни Ўзбекистон номидан халқаро майдонларда эркин намойиш этиш ҳуқуқига эгамиз. Яқинда Жанубий Африка Республикасидаги халқаро федерация қароргоҳида бўлиб, муҳим ҳужжатларни имзоладик. Энди ана шу нуфузли федерацияга аъзомиз. Осиё конференциясига ҳам қабул қилиндик. Бир сўз билан айтганда, юртимизда каратэни ҳар томонлама ривожлантириш, оммавийликни таъминлаш, маҳоратли ёшлар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилаверамиз. Сабаб, каратэ энди олимпиада спорт турларидан ҳисобланади. Ниятимиз йигитларимизни навбатдаги олимпиада ўйинларимизга ҳозирлаш.

— Сирасини айтганда, спортнинг бу тури юртимизда тарқалганига анча бўлди, — деб суҳбатга аралашади бош жамоа мураббийси Ҳ. Хўжақулов. — Ўзига хос мусобақалар, ютуқлар кўзга ташланди. Аммо, расмий равишда истиқлол Ўзбекистон номи билан мусобақада иштирок этиб, Ватанимиз спорт шарафини ҳимоя қилиш энди бошланади. Боиси, миллий каратэ федерациямизнинг ражаси катта. Биз бундан буён ҳар бир вилоят, шаҳар ва қишлоқларда каратэ билан шуғулланиш учун шароит яратишга, қизиқувчиларни бошини қовуштиришга эътиборни қаратамиз. Тошкентда ўтказилаётган дастлабки мусобақани эса республика биринчилиги деб атадик. Мақсад ана шу мусобақада фахрли ўринларни эгаллаган каратэчиларни республика терма жамоасига қабул қилиш...



СУРАТЛАРДА: 1. Мусобақадан лавҳа 2. Ғолиблар Санжар Носиров ва Ринат Кутуев.
Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар.

Болалар ва ўсмирлар ўртасида ўтказилган бу мусобақанинг очилиши ўзига хос байрамга айланди. 200дан зиёд спортчи сафтортди. Уларни республика спорт қўмитаси раиси биринчи муовини Шавкат Тўлаганов табриклаб, қизғин баҳсда муваффақият тилади. 15 жамоа 2 кун мобайнида кескин ва муросасиз саралаш баҳсларида иштирок этиб, ғолиблик учун курашди. Йигитларнинг қорамағиз ва қоракўз экани томошабинлар дилига ифтихор туйғусини туйди. Миллий терма жамоамизнинг асосини ташкил этадиган бу йигитларга катта умид боғлаш мумкин.

Тошкентлик Фарҳод Аҳмедов билан Анвар Рўзиев ўртасидаги баҳс айниқса кескин ўтди. Ҳар иккала спортчи ён бермасликка ҳаракат қилди. Уларнинг шиддатидан ҳакамлар ҳам шошиб қолишди. Ҳайтовур, сўнгги ва аниқ зарбани ўрнига қўйган Фарҳод ғалаба қозонди. Шунингдек, унинг ҳамшаҳарларидан Азиз Миркомилов, Санжар Носиров, Сайид Аҳмедов, Акмал Норманов, Фазлиддин Сапиев, Бахтиёр Аҳмедов ва Форруҳ Юсуповлар ҳам ғолиблик супасига кўтарилишди. Мусобақа эса томошабинларда завқ ва шавқ уйғотди.

Ҳайдар НОСИРОВ.

Спорт

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 25-fevral, seshanba № 25 (22.109).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«АКАНГ ҚАРАҒАЙНИНГ ЖИЯНИ...»

Инсон хотираси
азиз

1966 йил. Элимиз, халқимиз бошига оғир мусибат тушган пайт. Даҳшатли ер қимирлаши оқибатида минглаб хонадонлар вайрона бўлган. Корхоналар, завод ва фабрикалар ишдан чиққан. Табиий офатдан айниқса, телефон, телеграф ва почта алоқаси қаттиқ шикастланди. Маълумки, издан чиққан алоқа воситаларини тикламасдан туриб, вайрона шаҳарни қайта қуриш мумкин эмасди. Шунинг учун ҳам республикадаги барча алоқа ходимлари шикастланган алоқа тармоқларини тиклашга киришдилар. Уларга республика алоқа вазири Воҳид Йўлдошевич Йўлдошев бошқош бўлди. Алоқачиларнинг фидокорона, беназир меҳнати туфайли Тошкентдаги телефон, телеграф, почта алоқаси тез ва соз тузатилди. Ўша йили алоқа воситаларини тиклашда ёрдам бериш мақсадида Москвадан алоқа вазирининг ўринбосари бошчилигида бир гуруҳ мутахассислар Тошкентга келганди. Уларни кузатиш маросимида гуруҳ бошлиғи ўзбек алоқачиларининг жасорати, билимдонлигига тан бериб, шундай деган эди: «Мен кўп республикаларда бўлганман, Тошкентдагидек фавқулодда ҳолатларни кўп кўрдим. Лекин, ўзбек алоқачиларининг фидойилигини, ўз касби-корига меҳр-муҳаббатини биринчи кўришим. Айниқса, алоқачи мутахассис сифатида Воҳид Йўлдошевичнинг ақл-заковатига, муҳандислик қобилиятига тан бердим». Дарҳақиқат, В. Йўлдошев донишманд алоқачи, ўз касбининг билимдони эди.

50-йилларда республикамизда, айниқса вилоятларда, жумладан Тошкент вилоятида алоқа воситаларининг ривожи жуда паст даражада эди. Деярли барча туманларда почта, телефон ва телеграф алоқаси замон талабига жавоб бермас, уни тезда қайта созлаш, таъмирлаш керак бўларди. Бундай мушкул ва мураккаб вазифа Воҳид ака зиммасига юклатилди. 1956 йилда Воҳид Йўлдошев бошчилигида бунёдга келган Тошкент вилоятининг алоқа бошқармаси тез фурсатда республика алоқа корхоналари орасида илғор ва намунали ташкилотга айланди.

Республика раҳбарияти Тошкентда алоқа корхона ва объектларини лойиҳалаш институтини ташкил этишга қарор қилиб, бу оғир вазифани ҳам Воҳид Йўлдошевга топширди. У Марказий Осиёда ягона бўлмиш мазкур институтни барпо этишга киришди. Орадан кўп ўтмай лойиҳалаш институтининг довруғи собиқ Иттифоқ ҳудудларига тарқалди. Институт муҳандис-техник ходимлари яратган пишиқ-пухта лойиҳалар асосида Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ўнлаб алоқа корхоналари ва иншоотлари қад кўтарди.

Маълумки, 1964 йилгача алоқа вазири лавозимида фақат Москванинг вакили ишлар, бу муҳим соҳада маҳаллий кадр йўқ эди. Зотан, шу пайтда Воҳид Йўлдошевич зиммасига бутун республикада алоқа хизматини, алоқа воситалари ва шахобчаларини бошқариш, уларни ривожлантиришдек янада оғир мажбурият юклатилди. Янги вазир ўзига хос зукколик, ғайрат ва ташаббус кўрсатиб, бу мушкул вазифани ҳам уддалади.

«Аканг қарағайнинг хўб ажойиб жияни бор-да, Воҳид ўткир муҳандис, покиза ва ҳалол бола», — дея фахрланарди Ғафур Ғулом.

Оилавий ҳаётда ҳам ибрат намунасини кўрсата олган Воҳид ака Нафиса опа билан 8 ўғил-қизни ўстириб тарбиялади. Болаларининг таълим-тарбиясига қаттиққўллик билан ёндашди. Шу боис барча фарзандлари меҳнаткаш, ўқимишли, камтар ва одобли бўлиб вояга етди. Улар ҳозир оталари сингари эл-юрт ва миллат равнақи учун меҳнат қилишяпти.

Воҳид Йўлдошевич қисқа умр кўрсада, ўз халқи, Ватанига кўп фойдаси теккан ҳалол инсон сифатида ном қолдирди. Шунинг учун ҳам унинг покиза, мўътабар номи авлодлар хотирасида абадий яшамоқда.

Фатҳулла АБДУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси.

Kunnoma

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

AMERIKALIK OLIM MA`RUZASI

SAMARQAND. O`zbekiston Fanlar akademiyasi Qadimshunoslik instituti olimlari Fransiya, Germaniya, Polsha va Italiya mutaxassislari bilan ilmiy aloqa o`rnatishgan. Yaqinda institut ilmiy jamoasi AQSH olimlari bilan o`zaro muloqotni boshladilar. Boston universiteti professori Tomas Barfild qadimiy shahar asori-atiqalari bilan tanishib, "Markaziy Osiyo xalqlarining antropologiya va etnografiyasi" mavzusida ilmiy ma`ruza qildi.

Lutfulla MAMASOLIYEV.



Sardoba... Buyuk ipak yo`lining qoq markazida, Karmana shahriga yaqin joyda bobolarimizning donoligi bilan ajoyib gidrotexnik inshoot – Toshqudug bunyod etilgan. Unda yil bo`yi suv to`planib, odamlarga va atrof-muhitga jon bag`ishlaydi.

R. SHAGAYEV (O`zA) olgan surat.

OTAXONLAR BILAN UCHRASHUV

QASHQADARYO. Chiroqchidagi 19-hunar litseyida ijodkorlar va hokimlik vakillarining oqsoqollar bilan davra uchrashuvi o`tkazildi. Tadbir "Ma`naviyat va ma`rifat" masalalariga bag`islandi. Yig`ilishni litsey direktori M. Aliboyev boshqardi. "Ma`naviyat va ma`rifat" jamoatchilik markazi tuman bo`limining mudiri T. Rahmonov sog`lom avlodni kamol toptirish, ma`naviy merosimiz va qadriyatlar xususida ma`ruza qildi. Uchrashuv mushoira bilan yakunlandi.

Majid ALIBOYEV.

ОИЛА БАХТИ —ЭЛ БАХТИ

ФАРҒОНА. *Олтиариқ туманидаги Товулғон қишлоғида «Оила бахти — эл бахти» мавзусида учрашув уюштирилди. Ўзига хос оқшом тадбирини туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Саломатхон Маматожиева, маданият ишлари бўлим мудири Солижон Маматов бошқардилар. Йиғилганлар қишлоқ ҳаётига оид турли мавзуларда, хусусан оила бахти ва фаровонлиги, ҳаракатда баракат, оилавий тадбиркорлик хусусида мунозара юритдилар.*

«АБЖИРВОЙ ВА УЧ ДАНГАСА»

БУХОРО. *Ғиждувон шаҳар болалар боғчаларида туман марказий маданий уйи қошидаги қўғирчоқ халқ театри артистлари томонидан «Абжирвой ва уч дангаса» пьесаси бир неча кун намойиш этилди. Бир пардали, икки кўринишли бу томоша ўзига хос эртак асосида саҳналаштирилган бўлиб, режиссёр Нормурод Ҳамроев талқинида таъсирчан ва тарбиявий аҳамият касб этган.*

Фотима ЖУМАЕВА.

ОБ-ҲАВО

25 ФЕВРАЛЬ — 1 МАРТ КУНЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ОБ-ҲАВО ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

Шу давр мобайнида республикамизнинг барча қисмида ёғингарчилик кутилмайди, фақатгина Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида давр охирида ёмғир ёғиб ўтиши мумкин. Ҳаво ҳарорати меъёрига яқин бўлиб, кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқ ўртасида, кундузи 9-14 даража илиқ бўлади.

Ўзбекистоннинг шимолий ҳудудларида ёғингарчилик кутилмайди, ҳаво ҳарорати кечаси 4-9 даража совуқ, кундузи эса 5-10 даража илиқ бўлади.

Мамлакатимиз пойтахти — Тошкентда шу даврда ёғингарчилик бўлмайди. Ҳаво ҳарорати меъёрида бўлиб, симоб устуни кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илиқни, кундузи 9-14 даража илиқни кўрсатади.

ТУЛКИНИ ҚЎЛДАН ЧИҚАРИБ...

Тулкилар ҳақида гап кўп. Эртак, масал, шеър, ҳатто ҳикоялар тўқилган. Бу жониворнинг мугомбирлиги, ўз нафси йўлида ниҳоятда устамонлик билан ҳаракат қилиши, ҳушёрлиги шундаки овчи билан қуролсиз оддий кишининг фарқига боради. Шунинг учун уни алдаш, қўлга киритиш, қолаверса, нишонга олиш учун жониворнинг қандай яшаши, шароитга мослашиш жаҳатларини билишга тўғри келади.

Қайси бир йили овчиларга қўшилиб, тўнғиз овлаш ниятида Жиззахдан Айдаркўл томонларга йўл олгандик. Тўғриси, тўнғиз овига ҳамма ҳам ҳафсала қилавермайди. Аммо омади келиб, бундай жониворни қўлга киритса, анча мақтовларга лойиқ бўлади. Кўп юриб сувга яқин ерлардаги ўтлоқ ва қамишзорлардан тўнғиз сўқмоқларини изладик. Кўл бўйига чодир тикишга тўғри келди. Ғулхан ёқиб, ов режалари ҳақида келишдик. Тўнғизлар янги юриб ўтган жойларни топиб, яхши ниятда ҳандақлар қазиб, шоҳ-шаббалар билан беркиниб, ўлжани пойлай бошладик. Кун қисқа эмасми, кўп ўтмай қоронғилик тушди. Бошлиғимиз «ов юришмади» маъносида сигнал берди. Чодир яқинида жойлашиб, гурунглашдик.

— Тулкининг «фаросати»га қойил қолганман, — деб гап бошлади ҳамроҳларимиздан бири. — Бир куни дарё атрофида айланиб юрсам, соҳил бўйлаб оҳистагина тулки келяпти Жимгина кузата бошладим. Жонивор қирғоқдан қулайроқ жойни танлаб, қиш-қировли кунлар бўлишига қарамай, оҳиста орқаси билан сувга кира бошлади. Мен бўлсам ёпирай, бунақасини ҳеч кўрмовдим, дейман.

Ўн саккиз
минг олам

Тулкининг бутун танаси сувга кўмилгач, у чаққонлик билан бошини ҳам дарёга ботирди-да, кейин тезгина жуфтакни ростлади. Бунинг боисини кейин бошқалардан эшитдим. Жониворни бурга босганда ана шундай усулни қўллар экан.

Айдаркўл ва Арнасой томонларда ов қилиб, мен ҳам тулкига дуч келганман, — деб ҳикоясини бошлади иккинчи ҳамроҳимиз. — Ўзим тўнғизни кутиб, чуқурликда пана тортиб ётибман. Қарасам, сўқмоқда ниманидир шарпаси кўзга ташланди. Милтиқни маҳкам тутиб, пойладим. Бояги кўланка сўқмоқ бўйлаб мен томонга яқинлашаверди. Зўр бериб тикилганим билан аввалига бу қандай ҳайвон эканини билолмадим. Мен ётган ҳандаққа озгина қолганидагина эса унинг қулоқларию йилтираган кўзларидан тулки эканлигини сездим. Жонивор ҳам ноқулай аҳволда қолди. Аввалига тишларини ғижирлатиб, қандайдир ириллаш қилди. Кейин чап оёқларига таянганича момиқ думларини юқорига кўтариб шундай чинқирдики, мен нима қилишимни билолмасдим. Гўё сичқонни босиб олгандай гап эди-да. Тулкининг журъатини қаранг, ўзининг бу хатти-ҳаракати билан хавф-хатарни, даф этиш, қолаверса, «лол» қолдириш йўлидаги уриниш десаммикан. Мен фикримини жамлаганимча у бирдан бурилдию қоронғиликка ўзини урди...

Ҳаммамиз ҳузур қилиб кулишдик. Тулки билан бўлган бу воқеалар одамларга ҳам қандайдир сабоқ берадигандек. Балки, ўша тулки ёш ва инсонга ҳеч рўбарў бўлмаганидан жон сақлаш йўлини ахтарган бўлса, ажабмас.

Маҳсит МАҲМУТОВ.

БИР ТАДБИРДА МИНГ МАЪНО

СУРХОНДАРЁ. ***Термиз шаҳар болалар санъат мактабида «Сизга армуғон» деб аталган мусиқавий кеча ўтказилди. Бу кечада Тошкентдаги санъат олийгоҳларида таҳсил олаётган шўрчилик 12 нафар талаба ўзларининг куй ва қўшиқлари, шеър ва монологлари билан ҳамшаҳарларини қувонтирдилар.***

Ф. ИСЛОМОВА.

МЕЖРЕГИОНАЛЬНЫЙ ЦЕНТР "АЗИЯ-ВОЛГА"

УАЗ

РЕАЛИЗУЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ ЗАПАСНЫЕ ЧАСТИ К АВТОМОБИЛЯМ УАЗ В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ ПО БЕЗНАЛИЧНОМУ РАСЧЁТУ.

1. Блок управления
2. Вал карданный задний
3. Вал карданный передний
4. Вал коленчатый
5. Вал распределитель
6. Вкладыши стандартные
7. Вкладыши 05
8. Вкладыши 005
9. Головка блока
10. Гильза, поршень, кольца
11. Главный тормозной цилиндр
12. Главный цилиндр сцепления
13. Диск ведомый
14. Диск сцепления с кожухом
15. КПП, 452
16. КПП 469
17. Крестовина
18. Маховик в сборе
19. Мост редукторный передний
20. Насос масляный
21. Рулевое управления
22. Двигатель
23. Раздаточная коробка
24. Рабочий цилиндр сцепления
25. Прокладка головки блока
26. Стартер. И др. запасные части.



Со дня публикации объявления в течении 15 дней скидка на запасные части на 10%.
г. Ташкент ул. Навои 16-а. Ком. 221. Тел/факс:
(3712) 41-52-41, 41-58-51.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Одилжон ОЛИМЖОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Салим АШУРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Владимир ЧЕБОТИН (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»), Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»), Виктор ЗВЕРЕВ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-22-90;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЎЎЛДОШЕВА, навбатчи О. БЕКМУРОДОВА.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 32 335 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳриият рухсати билан амалга оширилади.

Г — 072

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 23.30

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА